




XASR



IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

Gazeta 2004-yil 1-yanvardan chiqqan boshlagan

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI HAFTALIK NASHRI

2016-YIL 5-MAY, PAYSHANBA, 18 (650)-SON

e-mail: xxi_asr@mail.uz, web sayt: www.21asr.uz

9 май – Хотира ва қадрлаш куни

АРМОНЛАР УШАЛГАН КУН

Мустақиллик йилларида муҳтарам Президентимиз раҳнамолигида халқимизнинг бой маънавий қадриятлари тикланди, унутилган, топталган анъаналар, урф-одатлар қайтадан ўз миллий қиёфасига эга бўлди. 9 майнинг Хотира ва қадрлаш куни деб номланиши баробарида умумхалқ байрами сифатида нишонланиши ана шундай саеобли ишларнинг амалдаги намунаси.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 18 апрелда эълон қилинган "Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида" - ги Фармони эса барча юртдошларимизни, шу жумладан, озодак ва обод Ватанимизда ўзларининг кексалик вақтини сураётган, не-не мураккаб даврларни кўрган-кечирган отахон ва онахонларни янада руҳлантириб юборди.

9 май... Ўтган асрнинг энг дахшатли ва муқддир қирғинбароти сифатида тарихга битилган Иккинчи жаҳон уруши айнан шу сана, шу кунда ниҳоясига етган. Ҳар қандай бойликдан-да улутроқ неъмат, бу энг аввало, ТИНЧЛИК эканлигини бизнинг халқимиз яхши билади. Негаки, ана шу талотумда сал кам бир ярим миллион ўзбекистонлик юртдошимиз фронт ва фронт ортида хизмат қилган, жон олиб, жон берган. Демак, бу кунни улар қанчалар интизор ва орзиқиб кутганлигини бутун сўз билан изоҳлаш мушкул.

"Уруш болалари", "уруш одамлари" деган иборалар бутун хотирдан аста-секин кўтарилаётган бўлса-да, лекин сизу биз жасур ва навқирон, алқомат ва садоқатли боёбо-момоларимизнинг ворислари, ўчмас чиронини ёқаётган авлод вакиллари эканлигимизни бир лаҳза ҳам унутмаслигимиз керак. Эсанг, ана шу тарихий кунда таваллуд топган фарзанд роппа-роса 71 бахорни қаршилади! Энди тасаввур қилинг, азизлар, улар, номинг ўчгур уруш — аср балоси билан нақадар ёш паллаларида тўқнаш келган эдилар. У кунлар эса энди афсона-эртакка, ўлмас хотирамиз мулкига айланди. Хотира яшаса, қадр яшар экан, меҳру оқибат, ҳайру саховат боқий бўлар экан.

...Қашқадарёлик 112 ёшли Умида момо Холмуродованинг гаройиб қисмати ҳақида кўп эшитганман. Гарчи турмуш ўртоғи Ибодулло Курбоновдан "қора хат" келган бўлса-да, барибир умид билан кутиб яшаган аянинг сабуру садоқатини қандай таърифлаш мумкин? Эрдан ёдгор бўлиб қолган фарзандлари — Неъматжон кўлида, Байдулло эса қорнида эди. Қаҳатчилик замонари эмасми, бир бурда нам тиллодан қадрили, бор аламини меҳнатдан олди. Куну тун тиним билмади, ишлади, эл-улус олдида болаларини кипригида авайлаб волга етказди. Икки ўғли ёнида тоғдай бўлиб волидаларини қадрлашди. Бироқ, тақдирнинг синовини қарангки, Неъматжон 63 ёшида, Байдулло эса 76 ёшида дунёдан ўтди. Уларнинг ортида бир этак фарзандлари қолди.

Раҳматли Неъмат ака тўнғич ўғли Абдухалилга шундай васият қилди: "Онажоним бехалани бошига кўтариб катта қилган эди, биз ҳам бахали кудрат хизматини адо этдик, лекин қарзимни узолмадим. Дийдор эса қиёматга қолди, энди сенга ишондим, кўнглига озор етказма, болам!"

Отанинг амри вожиб бўлди: Умида момомизга нафақат неварани келини Фароғатхон, балки кўни-кўшни, маҳалла-қўй меҳр қўргизди, дуосини олиш умидида ҳузурга ошқиди.

Яратганини қарами кенг экан, Умида момо асрларни қаритди — юздан ошганида Президентимиз фармони билан "Шухрат" медалига лойиқ кўрилди.

Уша кунни онахон яхши эслайди:

— Бу кунларга кимлар етди, кимлар етмади. Эҳ-е, қандай замоналарни кўрдик, очарчилик, қаҳатчилик, одамнинг қадри топталган даврларга гувоҳман. Мустақиллик замонига келибгина кун кўрдик-да. Бундай тўқин-сочин, фаровон, тинч-осойишта кўнлар тушларимизга кирмагани. Юртбошимизга мингдан минг раҳмат, биздай кексаларни қадрлаб, ҳар йили, ҳар байрамда совға-саломлар билан йўқлаб келишди. Қўлим билан бўлса-да, кўнглим билан юртим қорига яратим келади. Бизни қадрлаганини худойим қўлагани, илоҳ!

Бутунги кунда Машъал қишлоғи ёки Китоб туманида эмас, балки бутун вилоят миқёсида энг кекса, обрўли, дуоғўй инсон сифатида хурмат-эҳтиромга сазовор бўлиб келаётган Умида момо Холмуродова ҳамон бардам ва тетик, шукронаси тилида ва дилида.

Ўтмиш ва бутунни боғлаб тургувчи мустақкам кўприк, бу Хотирадир! Қадр эса ҳар бир миллиатнинг ўзлигини танишида, азалий қадриятларини асраб-авайлаб келгуси авлодларга етказишда ўзига хос имтиҳон вазифини ўтайди.

Норқобил ЖАЛИЛ.



Солиҳ ЗОИР олган суратлар

ҚЎМИТАНИНГ КЕНГАЙТИРИЛГАН ЙИФИЛИШИ

сўмлик иш бажарилган. Жорий йилда хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари Самарқанд шаҳар уюшмаси қошида мазкур ширкатларнинг бухгалтерия ҳисоб-китобларини марказлашган ҳолда юритиш тизими жорий этилди.

Эшитув давомида амалга оширилган ижобий ишлар билан бир қаторда юқорида тилга олинган қонун ижросини таъминлаш билан боғлиқ айрим нуқсонлар ҳам борлиги таъкидланди. Хусусан, қўмита ишчи гуруҳининг ўрганишлари жараёнида мазкур қонуннинг 6, 31, 35-моддалари талаблари тўлиқ бажарилмаётгани аниқланган.

— Бундан кўриниб турибдики, кўп қаватли уйларида яшаётган ва нотураж жойларда фаолият кўрсатаётган мулкдорлар орасида кўпроқ тартибот-тушунтириш ишларини олиб бориш керак, — дейди қўмита ишчи гуруҳи ва О'зЛиДеР фракцияси аъзоси Клара Жумамуратова. — Умумий мулкни сақлаш ва таъмирлаш учун ажратилаётган кредитлар мулкдорлар ҳисобидан қайтарилиши, бу ишлар фақат ширкат раислари, бошқарув аъзолари ёки маҳаллий давлат ҳокимияти органлари

мансабдорлари учун эмас, авваломбор, шу уйдаги хонадонлар мулкдорлари учун зарурлигини уларга таъсирчан тарзда етказиш бўйича мутасаддиларга тақлиф-таъсиялар берилди.

Қўмита аъзоларининг фикрича, назорат-таҳлил тадбирларида аниқланган ва эшитув чоғида жиддий муҳокама қилинган камчиликлар фақат Самарқанд шаҳригагина хос эмас. Шунинг учун ҳам депутатлар бу борадаги ишларни бошқа ҳудудлар мисолида изчил давом эттириш лозим, деган хулосага келдилар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси масъул ходимлари, вазирлик ва идоралар вакиллари қатнашган кенгайтирилган йиғилиш якунида баҳс-мунозаралар тарзида кўриб чиқилган масалалар бўйича қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

Депутатлар "имтиҳони" дан ўтган ҳоким эса тилга олинган хато-нуқсонларни ўз вақтида бартараф этиш, агар бунинг учун қонуннинг қайси бир нормаси ёки меъёрий ҳужжатларга ўзгартишлар киритиш зарур деб ҳисобласа, бундай тақлифларни парламент вакиллари тақдим этишга ваъда берди.

Модомики, биз яқин орада бу мавзуга яна қайтамиз.

Озод РАЖАБОВ, "XXI asr" мухбири.

ОЛИЙ МАЖЛИСДА

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг О'зЛиДеР фракцияси масъулигидаги Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитасининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда "Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида" ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг талаблари қандай бажарилаётгани юзасидан Самарқанд шаҳри мисолида ўтказилган назорат-таҳлил тадбирлари якунлари соҳага алоқадор ташкилотлар мутасадди раҳбарлари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирокида атрофлича муҳокама қилинди.

Кун тартибидagi масала бўйича Самарқанд шаҳри ҳокими Акбар Шуқуровнинг ахборотини тинглаган депутатлар, айниқса, О'зЛиДеР фракцияси аъзолари партия электорати манфаатларидан келиб чиққан ҳолда кўплаб саволлар билан муножот қилишди. Ютуқлар эътироф этилиши баробарида айрим камчиликлар ҳам кўрсатиб ўтилди. Баҳс-мунозаралар мавжуд муаммоларга ечим топишга йўналтирилган тақлиф-таъсияларга уланди.

Қўмита аъзоларининг қайд этишича, юртимизда уй-жой фондини бошқариш, фойдаланиш, сақлаш, мукаммад таъмирлаш ва уларга хизмат кўрсатиш тизимига бозор механизмларини жорий этиш бўйича кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Соҳани тартибга солувчи ҳуқуқий асослар яратилгани, меъёрий ҳужжатлар қабул қилингани натижасида хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари ўзини ўзи бошқариш институти сифатида шаклланди. Бу борадаги қонунчиликнинг жойлардаги ижросини ўрганиш, таҳлил қилиш ва мавжуд муаммоларни аниқлаш эса парламент назоратининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади.

Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси томонидан Самарқандда ўтказилган назорат-таҳлил тадбирлари масала моҳиятига ана шундай ёндашув асосида амалга оширилди. Биз учун эътиборли жиҳати, унда О'зЛиДеР фракцияси аъзолари фаол қатнашишди.

Маълум бўлишича, бугунги кунда Самарқанд шаҳрида 219 та маҳалла бўлиб, шундан 99 таси ҳудудида 108 та ширкатга қарашли 1024 та уй-жой ва уларда 43 910 та хонадон мавжуд. Шаҳар ҳудудида профессионал бошқарув ташкилотлари томонидан кўп қаватли уйлари куз-киш мавсумига тайёрлаш мақсадида 2014 йилда 7,2 миллиард сўмлик, ўтган йили эса 12 миллиард

Ўзбекистон – Россия:

Амалий ва ишончли ҳамкорлик

— Президентимизнинг Россия Федерациясига уюштирган расмий ташрифи сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, ҳарбий-техникавий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантириш масалаларини яна бир бор ҳар томонлама муҳокама этиш имконини берди. Президентлар минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар, жумладан, Афғонистон муаммоси, терроризм, экстремизм, наркотрафик, уюшган жиноятчиликка қарши курашиш борасида ўзаро фикр алмашдилар.

Таъкидлаш жоизки, икки давлат ўртасидаги ҳамкорлик мустақкам шартномавий-ҳуқуқий асосга эга бўлиб, ўзаро ишонч ва манфаатли ҳамкорликка асосланган муносабатлар Стратегик шериклик тўғрисидаги шартнома, ИТ-тифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома доирасида изчил ривожланиб бормоқда.

Маълумки, ШХТнинг Уфа шаҳридаги саммити якунида ушбу ташкилотга 2015-2016 йилларда раислик қилиш

Муносабат

— Давлатимиз раҳбарининг ушбу расмий ташрифи мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислохотларни муваффақиятли рўёбга чиқариш, иқтисодий ўсишнинг юксак суръатларини таъминлаш, иқтисодиётни мутаносиб ва барқарор ривожлантириш учун қулай ташқи сиёсий шароитлар яратиши билан ҳам диққатга сазовордир.

Шу ўринда Россия Ўзбекистоннинг ташқи савдо шериклари орасида иккинчи ўринда туришини таъкидлаш жоиз. Айниқса, у ерда мамлакатимизда етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига талаб кучли. Ўзбекистон эса мазкур тармоқда улкан салоҳиятга эга.

Тараққиётнинг янги босқичлари

Президентимизнинг 2016 йил 12 апрелда қабул қилинган "Мева-сабзавот, картошка ва полиз маҳсулотларини харид қилиш ва улардан фойдаланиш тизимини тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги Қарори бу борада янада кенг имкониятларни яратди. Шу боис музокаралар давомида мамлакатимизда етиштирилган мева ва қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш ҳажмини кўпайтириш ва уларнинг турини кенгайтиришга келишиб олингани қувонарлидир.

Ҳамкорликнинг бу каби янги уфқлари, ўз навбатида, биз — фермерлар учун янги-янги имтиёзлар яратибгина қолмай, балки қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан, энг аввало, ички истеъмол бозорини тўлдириш, қолаверса, экспортга чиқариш имкониятларини янада кенгайтиради.

Лутфулла БАДАЛОВ, Янгийул туман Фермерлар кенгаши раиси, О'зЛиДеР фаоли.

Раҳим ҲАКИМОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги О'зЛиДеР фракцияси аъзоси.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти	1 Австрали доллар	2208,13	1 АКШ доллари	2904,68	1 Ҳитрой юани	448,68	1 Польша злотийси	762,36	1 ЕВРО	3310,18
Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2016 йил 3 майдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистика ва бошқа ҳисобларни юритиш, шунингдек, бошқаруш ва бошқа мажбурий "ўзгалари" учун қишлоқ валюталарини сўраш нисбатини қўйидаги қийматини белгилади.*	1 Англия фунт стерлинги	4243,44	1 Миср фунти	327,11	1 Россия рубли	45,15	1 СДР	4116,88	10 Жанубий Корея вони	25,48
* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки шаклур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмайди.	1 Дания кронаси	447,61	1 Исландия кронаси	23,75	1 Украина гривнаси	115,26	1 Туркия лираси	1014,13	10 Япония иенаси	272,64
	1 БАА дирҳами	790,86	1 Канада доллари	2316,51	1 Мадания ринггетиси	744,22	1 Швейцария франки	3030,12		

Ҳаммаизга маълумки, бугунги кунда дунёда минтақавий иқтисодий ҳудудларни шакллантириш тенденцияси кучайиб

ТЕХНИК ТЎСИҚЛАР ЮЗАГА КЕЛМАЙДИ

бормоқда. Бунга етарлича эътибор бермаган давлатларда барқарор иқтисодий ривожланишни таъминлаш тобора қийинлашиб бориши табиий. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси МДҲ, ШҲТ, Евроосиё иқтисодий ҳамкорлиги каби тузилмаларда фаол иштирок этмоқда.

Киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларнинг регламентнинг қўлланиш соҳасини аниқлаштириш билан биргаликда маҳсулотнинг мувофиқлигини баҳолаш учун зарур бўлган маҳсулотлардан намуналар олиш, уларни ўлчаш ва синов ўтказишнинг замонавий усулларининг ўз вақтида қўлланилишини таъминлашга қаратилган. Шунингдек, техник регламентларни ишлаб чиқиш бўйича давлат дастурида кўзда тутилган барча техник регламентлар ишлаб чиқишишни тезлаштиради. Натияжада турли соҳаларда техник регламентларнинг амалга киритилиши орқали тегишли соҳалар бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг жaxon талаблари даражасида бўлиши таъминланиши баробарида амалдаги "Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида"ги Қонун талабларини халқаро меъёрлар билан уйғунлаштириш ҳамда мамлакатларнинг экспорт салоҳиятини оширишга хизмат қилади.



Кутлимурат БАБАШЕВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги О'зЛиДеР фракцияси аъзоси

Маълумот сифатида айтиб ўтиш жоизки, бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида "Фойдаланиш шароитлари бўйича автотранспорт воситаларининг хавфсизлиги тўғрисида", "Техник фойдаланишда темир йўл транспортининг хавфсизлиги тўғрисида", "Ўқув муассасалари учун полиграфия маҳсулотларининг хавфсизлиги тўғрисида", "Сиқилган табиий газ ва суюктирилган нефть газларида ишлаши учун қайта жиҳозланган автотранспорт воситаларининг хавфсизлиги тўғрисида", "Металлургия маҳсулотларининг хавфсизлиги тўғрисида", "Дон хавфсизлиги тўғрисида" ва "Қишлоқ ҳўжалиги техникаси конструкцияси хавфсизлиги тўғрисида" — жами 7 та умумий техник регламент, шунингдек, "Госсилоп смоласи хавфсизлиги талаблари", "«Ҳарбий хизматчилар учун пойабзал хавфсизлиги тўғрисида», "Очқик қалитлар инфратузилмасига қўйиладиган талаблар" ва "Почта алоқасида хавфсизлиги таъминлаш бўйича талаблар" дан иборат 5 та махсус техник регламентлар қабул қилинган ва амалиётга жорий этилган.

Қонун ва назорат

БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ: ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАР ТАКОМИЛЛАШТИРИЛДИ

Мамлакатимизда миллий иқтисодиётни бозор муносабатлари талабларига мослаштириш, макроиқтисодий мутаносибликни таъминлаш ва ижтимоий-иқтисодий ўсишнинг барқарорлигига эришишга йўналтирилган қонунчилик базасини босқичма-босқич такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мулкдорлар манфаатини ҳимоялаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ана шу жараённинг негизини ташкил этади, десак муболага бўлмайди.

Изчил амалга оширилаётган бундай чора-тадбирларнинг ижобий натижаларини мамлакат ялли ички маҳсулоти (ЯИМ) нинг ижобий суръатларида кўриш мумкин. Яқин ўн йил ичида ушбу кўрсаткичнинг ўсиши йилга 8 ўртача кам бўлмапти. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, мамлакатни демократлаштириш ва модернизация қилиш борасидаги тизимли ислохотларни, иқтисодиётда туб таркибий ўзгаришларни давом эттириш, макроиқтисодий мутаносибликни таъминлаш ва ушбу жараёнларнинг ҳуқуқий асосларини ривожлантириш 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишлари ҳисобланади.



Шухрат ШАРАФУТДИНОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги О'зЛиДеР фракцияси аъзоси

Миллий иқтисодиёт тармоқларида эришилаётган ютуқлар турлича мулк шакллари асосланган корхоналарнинг самарали фаолиятига ҳам бевоисита боғлиқдир. Ҳўжалик юритувчи субъектларда қўллаб моддий ва меҳнат ресурслари муҳассамлашган бўлиб, улардан оқилона фойдаланишга қаратилган иқтисодий, молиявий ва ҳисоб сибсати олиб борилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги Қонуни ва бошқа қонуности ҳужжатлари талаблари бажарилиши таъминланмоқда. Улар асосида бухгалтерия ҳисобининг қатор миллий стандартлари (БҲМС) ишлаб чиқилган ва тасдиқланган.

Бухгалтерия ҳисоби орқали ҳўжалик юритувчи субъектларда содир бўлаётган жараёнлар (операциялар) доимий, узлуксиз тарзда тўлиқлигича ҳужжатлаштирилади, умумлаштирилади. Ушбу маълумотлар асосида фойдаланувчиларга молиявий ҳисобот шаклида ахборотлар тақдим этилади. Корхоналарда олиб борилаётган бухгалтерия ҳисоби хизмати орқали барча жараёнлар назорат қилиб борилади. Бухгалтерлар мамлакатда иқтисодиётга оид қабул қилинган қонунлар ва қонуности ҳужжатларидаги вазифаларини корхоналар фаолиятига татбиқ қилади. Яъни, бухгалтерия ҳисоби тизими орқали корхонанинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлайди.

Бозор иқтисодиёти шароитида корхоналар фаолиятида уларга олдиндан маълум бўлмаган ҳо-дисалар, хавф-хатарлар вужудга келади. Бизнинг фикримизча, иқтисодий хавф — бу корхона фаолиятида олдиндан маълум бўлмаган муносабатлар орқали содир бўладиган ҳо-дисалар (жараёнлар) ва уларнинг таъсирида корхона мўлжалланган наф, яъни фойданинг кам олинishi ёки активларни йўқотишидир. Корхона бухгалтерлари ўз фаолиятлари натижасида ушбу салбий жараёнларнинг олдини олишлари, ҳўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий барқарорлигини таъминлашга керак. Янги тахрирдаги "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги Қонунда ушбу масалалар аниқ акс эттирилгани диққатга сазовордир.

Эндиликда "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги янги тахрирдаги қонун талаблари асосида ушбу соҳага оид қонуности ҳужжатлари ҳам қайта кўриб чиқилади ва такомиллаштирилади. Бу соҳада мутахассис-кадрлар тайёрлаш бўйича ҳам маълум ўзгаришлар қилинади. Жумладан, "Бухгалтерия ҳисоби ва аудит" таълим йўналишининг ўқув-режалари ва ўрганиладиган фанларнинг дастурларида тегишли ўзгаришлар киритилади. Мутахассислар тайёрлашда назария билан амалиётни изчил уйғунлаштириш, кадрлар буюртмачиларнинг тақлиф ва тавсияларини эътиборга олиш кучайтирилади, халқаро амалиёт тажрибаларидан кенг фойдаланилади.

Мухтасар айтганда, янги тахрирдаги қонуннинг мазмунини, унинг иқроси билан бевоисита боғлиқ масалалар моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш, биз педагог-олимларнинг муҳим вазифаси ҳисобланади.

Ҳасан МУСАЕВ, Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти профессори, иқтисод фанлари доктори.

турли мулк шакллари асосланган ҳўжалик юритувчи субъектлар сонининг тобора кўпайиб бориши; корхоналар мустақиллигини янада ошириш; мамлакатимиз иқтисодиётидан экспорт-импорт жараёнларини ривожлантириш; қимматли қўзғалар ва халқаро валюта бозорининг кенгайиши; корхоналар фаолиятини халқаро тамойиллар асосида юритиш зарурлиги; ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш принципини устуворлиги.

Хасан МУСАЕВ, Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти профессори, иқтисод фанлари доктори.

Маҳалла — маънавий тарбия бешиги

Кучли фуқаролик жамияти сари

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2016 йил 5 мартдаги қарорига асосан май-июнь ойларида фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва маслаҳатчиларининг навбатдаги сайлови ўтказилади. Айти пайтда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида ана шу сийсий жараёнга қизгин тайёргарлик кўрилиб, ўзлари умргузаронлик қилаётган маҳалла-қўйда обрў топган инсонлар орасидан муносиб номзодлар кўрсатишмоқда. Шу тариқа бўлажак сайловда 9764 нафар фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва уларнинг 99 минг нафардан зиёд маслаҳатчиси сайланиши режалаштирилган.

Шунинг учун ҳам жисмонан соғлом, маънавий етуқ ва ҳар томонлама баркамол авлодни тарбиялашда оиланинг ролини ошириш масаласи доимий диққат-эътиборда бўлиб келяпти. Ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан "Соғлом она — соғлом бола" тамойилига мувофиқ оила саломатлигини, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасида ҳам туркум тадбирлар амалга оширилаётгани бежиз эмас.

Мавриди келганда таъкидлаш жоизки, халқимизнинг бой тарихий тажрибаси, миллий қадриятларини жамлаган ўзини ўзи бошқарув тизими — маҳалланинг нуфузи йилдан-йилга ортиб, унинг ваколатлари тобора кенгайтирилаётгани эътиборга лойиқ. Айниқса, истиқлол йилларида "Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари" тамойили асосида амалга оширилган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар маҳалла институтининг фуқаролик жамиятидаги муҳим ўрнини яққол намоён этди, десак муболага бўлмайди.

Миллат ва макон танламас иллатлардан бири — гиёҳвандликка қарши курашда ҳам маҳалла фаолларининг, жамоатчилигининг иштироки ошиб бораётганини таъкидлаш зарур. Шунингдек, ёшларда маънавий-мафкуравий иммунитетни шакллантириш, "Оила — маҳалла — таълим муассасаси" ҳамкорлик тизими, ёшларнинг буш вақтларини мазмунли ўтказиш, репродуктив саломатлигини таъминлаш, эрта турмушга чиқишининг олдини олишга қаратилган ишлари тизимли ташкил этишда маҳалла маслаҳатчиси ва посбонининг алоҳида ўрни бор. Улар ҳар бир оиладаги аҳвол, ёшларнинг феъл-атвори, юриш-туришидан доимий хабардор бўлиб, зарур пайтда керакли маслаҳат ва тавсиялар беради. Айниқса, ёшлар, янги оила қураётган йигит-қизлар билан алоҳида суҳбатлашиб, уларни турли ёт фоярлардан асраш, ҳар жиҳатдан соғлом ва мустаҳкам оила барпо этишига қўмақлашлайётгани яхши самара бераётир.

Бугунги кунда маҳалла аҳолининг турли қатламларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, жойларда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини, миллатлараро то-тулуқ ва ҳамжиҳатликни таъминлаш, Ватан тақдирига дахлдорлик туйғусини юксалтириш, катта-ю кичикнинг саъй-ҳаракатини эзгу мақсадлар йўлида бирлаштирадиган маскан сифатида хизмат қилмоқда. Жамиятимизнинг ҳозирги тараққиёт босқичида аҳолини гоёвий таҳдидлардан ҳимоялаш, турли оқимларга мансуб гуруҳларга қарши ҳушёр туриш, бир сўз билан айтганда, тинчлик-осойишталик учун курашишни ҳаётнинг ўзи тақозо этаётир.

Аҳолининг ҳуқуқий маданиятини оширишга қаратилган тарғибот-ташвиот ишлари самарадорлиги, жамоатчилик назоратини изчил амалга ошириш, тадбиркорлик, оилавий бизнес, ҳунармандчилик ва касаначиликни ривожлантириш йўналишлари ҳам маҳалладаги ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашда муҳим ўрин тутаети.

Маҳалланинг бу борадаги фаолияти Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги, "Виждон эркилиги ва диний ташкилотлар тўғрисида"ги, "Воёга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида"ги, "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги қонунлар мазмун-моҳиятининг навирон авлодга атрофича тушу-тириб берилиши ҳам маҳаллада тинчликни таъминлашнинг долзарб мезонлари сирасига кираети.

Тўқтин КАРИМОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги О'зЛиДеР фракцияси аъзоси.

ТЕЛЕКОМУНИКАЦИЯЛАР ТИЗИМИ ТАРАҚҚИЁТИ

Бу борадаги қонун талаблари қандай бажарилаётгани депутатларнинг, айниқса, О'зЛиДеР фракцияси аъзоларининг қатъий назоратида олинган. "Телекоммуникациялар тўғрисида"ги Қонуннинг Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент вилоятидаги ижроси назорат-таҳлил тартибиде ўрганилгани ҳам ана шу йўналишдаги ишларнинг изчиллигидан далолат беради



Шухрат ШАРАФУТДИНОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги О'зЛиДеР фракцияси аъзоси

Мустақиллик йилларида турли соҳаларда ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ва иқтисодий тараққиётнинг ҳаракатлантирувчи кучи бўлган мазкур тармоқни жадал ривожлантиришнинг ҳуқуқий асослари яратилди. Ҳозирги кунда ушбу сектор нафақат ЯИМ ҳажмини оширишга салмоқли ҳисса қўшмоқда, балки мавжуд ишлаб чиқариш корхоналарининг салоҳияти юксалишига, ички ва ташқи бозорларни кенгайтиришга шароит яратмоқда.

Шухрат ШАРАФУТДИНОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги О'зЛиДеР фракцияси аъзоси

Ўзбекистон Республикасининг "Парламент назорати тўғрисида"ги Қонуни қабул қилиниши эса бу борадаги яна бир муҳим қадам бўлди. Шу асосда Конституция ва қонунлар талабларининг ижро этилиши усти-дан парламент назоратини амалга оширишнинг ягона ва бир тизимга солинган ҳуқуқий базаси яратилди. Мазкур қонун Олий Мажлиснинг давлат ҳокимияти органлари тизимидаги ролини кучайтиришда, қонун устуворлигини, қонунийликни таъминлашда, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари зиммасига юклатилган вазифаларни ижро этишда уларнинг жавобгарлигини оширишга хизмат қилади.

Қорақалпоғистон Республикасида "Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастури доирасида нурунқиларга 95 та телевизор топширилган. 2015 йилнинг биринчи ярим йиллигида 21 нафар Иккинчи жаҳон уруши иштирокчиларига шаҳарлараро сўзлашувлар учун 34 соатлик (Тошкент вилоятида эса 133 нафар фахрийга 460 соатлик) имтиёзли дақиқалар берилган. Кексаларга телекоммуникациялар тармоғининг турли операторлари томонидан мақсадли чегирмалар ва имтиёзлар тақдим этилган.

Ана шундай устувор вазифаларни ўз вақтида амалга оширишни назорат тутган ҳолда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикаси "Телекоммуникациялар тўғрисида"ги Қонуннинг Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент вилоятидаги ижросини ўрганиш юзасидан назорат-таҳлил тадбирлари ўтказилди.

"2015-2019 йилларда ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш манзилли дастури" асосида 2013-2015 йилларда 4200 км.дан зиёд оптик толали алоқа линиялари қурилган, ҳудудларда интернетнинг юқори тезликдаги хизматларини тақдим этиш орқали "Узмобиайл" (CDMA-450) мобил алоқаси (1 ва 2 босқичларда) ривожлантирилган ва 2014 йил давомида мобил алоқа операторлари томонидан 940 та, 2015 йилнинг 6 ойида 479 та мобил алоқа базавий станциялари ўрнатилган. Амалга оширилган ишлар натижасида мобил алоқанинг база станциялари умумий сони 2015 йил 1 июль ҳолатига 15400 тани ташкил қилган.

Тахлил ўрганишлар шуни кўрсатдики, қонун талабларини бажариш юзасидан мазкур субъектлар томонидан бир қанча ижобий ишлар амалга оширилган. Жумладан, Телекоммуникацияларни ривожлантириш миллий дастурлари ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилмоқда. Президентимизнинг 2012 йил 17 апрелдаги қарори билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикасида рақамли телевидениега техник ва технологик ўтиш бўйича Давлат дастури" асосида мамлакатнинг барча ҳудудларида 12 та телевизион дастурларнинг тарқалишига

шароит яратиб берувчи рақамли телеуза-тичлар 23 та телекоммуникация объектлари қуриб тилган. Қорақалпоғистон Республикасида "Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастури доирасида нурунқиларга 95 та телевизор топширилган. 2015 йилнинг биринчи ярим йиллигида 21 нафар Иккинчи жаҳон уруши иштирокчиларига шаҳарлараро сўзлашувлар учун 34 соатлик (Тошкент вилоятида эса 133 нафар фахрийга 460 соатлик) имтиёзли дақиқалар берилган. Кексаларга телекоммуникациялар тармоғининг турли операторлари томонидан мақсадли чегирмалар ва имтиёзлар тақдим этилган. "2015-2019 йилларда ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш манзилли дастури" асосида 2013-2015 йилларда 4200 км.дан зиёд оптик толали алоқа линиялари қурилган, ҳудудларда интернетнинг юқори тезликдаги хизматларини тақдим этиш орқали "Узмобиайл" (CDMA-450) мобил алоқаси (1 ва 2 босқичларда) ривожлантирилган ва 2014 йил давомида мобил алоқа операторлари томонидан 940 та, 2015 йилнинг 6 ойида 479 та мобил алоқа базавий станциялари ўрнатилган. Амалга оширилган ишлар натижасида мобил алоқанинг база станциялари умумий сони 2015 йил 1 июль ҳолатига 15400 тани ташкил қилган. Албатта, амалга оширилган ишлар қўламини янада кенгроқ ва тўлароқ келтиришимиз мумкин. Лекин назорат-таҳлил тадбири жараёнида кўзга ташланган айрим камчиликлар ҳақида ҳам тўхталиб ўтиш лозим. Жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент вилоятида давлат ҳокимияти органлари томонидан рухсат бериш тартиб-таомилларини интерактив кўринишда амалга оширишнинг тўлиқ чоралари қўрилмаганлиги оқибатида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини интерактив хизматлардан фойдаланган ҳолда давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати ўртача кўрсаткичдан паст даражада эканлиги, интерактив режимда бирорта ҳам лицензия ёки рухсатномалар берилмаганлиги, қонуннинг самарали ишлашига ёрдам берадиган тегишли қонуности ҳужжатлари, яъни, ка-

Белли ва эфирли телешиттирув хизматларини кўрсатиш бўйича қондалар ишлаб чиқилмаганлигини мисол қилиб келтириш мумкин.

Маълумки, ҳар қандай назорат ўзининг самараси билан нантиқий яқиниға етади. Шунинг учун ҳам яқуний чораларнинг аниқ-равшан белгилаб қўйилиши парламент назорати мақсадиға етганлигини баҳолашда, таҳлил қилишда жуда муҳим жиҳат ҳисобланади. Назорат-таҳлил ишлари муҳокамасидан сўнг ўтган 6 ой мобайнида Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент вилоятида телекоммуникация соҳасидаги қонун ҳужжатларига амал қилиниши борасида қўмита томонидан берилган тавсияларнинг ижро этилиши юзасидан қўшимча ўрганиш амалга оширилди. Унинг натижалари эса қўмитамизнинг 2016 йил 19 апрель куни ўтказилган йиғилишида яна бир бор муҳокама қилинди.

Унда ахборот-коммуникация тизимлари соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш, шунингдек, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг бу борадаги ҳамкорлиги самарадорлигини ошириш бўйича берилган тавсияларнинг аксариятининг ижроси таъминланганлиги қайд этилди.

Шу билан бирга, босқичма-босқич амалга оширилаётган тадбирларни нантиқчан давом эттириш мақсадида 2016 йилда қишлоқ жойларида алоқа хизмати, банк-молия ва коммунал хизматларни ривожлантириш, телекоммуникация йўналишида хизмат кўрсатиш ҳажмини ошириш, интернет тармоғидан фойдаланишнинг техник имкониятларини янада кенгайтириш, оптик толали алоқа тармоқларини қуриш ишларини давом эттириш, шу жумладан, узоқ ва чексиз ҳудудларни рақамли телевидениега ўтказишни охириға етказиш йўналишидаги ишларда қўмита аъзоларининг иштироки юзасидан тегишли вазифалар белгилаб олинди.

Маълумки, партиянинг сайловлардан кейинги фаолияти асосан давлат ҳокимиятининг вакиллик органларига сайланган депутатлар, партия фракцияси ҳамда депутатлик гуруҳларининг ишчи ва самарали ишида ўз аксини толади.

Шундай экан, O‘zLiDeP Сайловолди платформасида белгилаб қўйилган ва миллионлаб сайловчилар томонидан қўллаб-қувватланган вазифаларни босқичма-босқич амалга оширишда барча депутатларнинг фаол иштироки этишсини таъминлаш, депутатлик гуруҳларида партия сиёсатини ушқоқлик билан илгари суриш, депутатлик назоратининг шакли ва усуллари-

қонунчилик ижросини таъминлаш вазифасини юкларда намоён бўлади.

Ана шу йўналишда кўрилатган чора-тадбирлар натижаси, жумладан, **Наманган вилоятидаги O‘zLiDeP депутатлик гуруҳларининг** фаолиятида ҳам ўз аксини топмоқда. Фикрларимизни 2016 йилнинг биринчи чорагида бажарилган ишлар таҳлили мисолида тақдим қилиш ниятидамыз.

Ҳисобот даврида Халқ депутатлари вилоят Кенгаши O‘zLiDeP депутатлик гуруҳи томонидан **3 та**, маҳаллий кенгашлардаги партия депутатлик гуруҳлари томонидан эса **22 та** назорат-таҳлил тадбири таш-

фракциямиз аъзолари атрофлича тушунчалар беришди. Ҳар бир депутатга хизматда фойдаланиши учун қўлланма тайёрлаб берилди. Унга “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида”ги, “Депутатлик мақоми тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар матнлари ҳам киритилди.

Бундан ташқари, назорат-таҳлил тадбирини ташкил этиш, депутатлик сўровини юбориш асосида маҳаллий кенгашлар доимий комиссиялари йиғилишларида, сессияларга масалалар киритиш кўникмаларини шакллантириш мақса-

томонидан атрофлича муҳокама қилинди.

Худди шунингдек, маҳаллий кенгашлардаги депутатлик гуруҳларимиз ҳам электорат манфаатларига дахлдор бўлган бир қатор масалаларни ўз йиғилишларида кўриб чиқиб, мансабдор шахсларнинг ахборотларини эшитишга муваффақ бўлдилар. Масалан, Халқ депутатлари Наманган шаҳар Кенгашидаги O‘zLiDeP депутатлик гуруҳи “Ёшлар ва аёлларнинг интеллектуал меҳнат соҳасида ўз қобилият ва истеъдодини намоён этишлари учун зарур шароитлар яратиш, бу борада фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликни мус-



ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТЛАРИ ҲИМОЯСИ – УСТУВОР ВАЗИФАМИЗ

Халқ депутатлари Наманган вилоят Кенгашида O‘zLiDePдан сайланган 21 нафар, Халқ депутатлари шаҳар ва туман Кенгашларида 129 нафар депутат фаолият юритмоқда. Таҳлилларга кўра, Халқ депутатлари вилоят Кенгашига O‘zLiDePдан сайланган депутатларнинг 8 нафари, маҳаллий кенгашлардаги вакилларимизнинг 99 нафари биринчи маротаба депутатликка сайланган.

дан унумли фойдаланиш, мавжуд муаммоларни чуқур ўрганиш асосида уларнинг ечимига доир амалий таклифлар ишлаб чиқишда депутат сафдошларимизнинг зарур билим ва кўникмаларга эга бўлиши катта аҳамият касб этади.

МУҚАДДИМАГА МОС МУЛОҲАЗАЛАР

Шиддат билан кечаётган ҳозирги глобаллашув даврида O‘zLiDeP олдига Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига партиядан сайланган депутатларнинг ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришдаги амалий иштироки, электорат манфаатларини ифода этадиган қонунлар ижроси устидан депутатлик назоратини олиб бориш бўйича ўз фаолиятини принципаал жиҳатдан танқидий қайта кўриб чиқиш талабини кўндаланг қилиб қўймоқда.

Шу боис жорий йилнинг биринчи чорагида ўтказилган “**Худудларнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти истиқболларини белгилашда O‘zLiDeP тузилмалари ва депутатларнинг муҳим вазифалари**” мавзuida ўтказилган туркум семинарлар партия ҳаётида муҳим воқеа бўлди.

Уларда Қорақалпоғистон Республикаси Жўрғори Кенгеси, Халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳри Кенгашларига O‘zLiDePдан сайланган депутатлар, партия ҳудудий ва маҳаллий кенгашларининг раҳбарлари ҳамда масъул ходимлар, БПТ етакчилари, ҳамкор ташкилотлар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашдилар. Амалий мулоқотларда муҳим масалалар юзасидан маърузалар тинглаш баробарида партиянинг “**қуйдан – юқорига**” тамойили асосида партиянинг барча тузилмалари ва депутатларининг ўзаро самарали ҳамкорлигининг долзарб жиҳатлари муҳокама этилди.

Шу нуқтаи назардан қараганда, партия ҳаётига доир масала юзасидан қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ва муҳокама этишгача бўлган барча жараёнларда БПТлардан тортиб Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракциясигача бўлган барча органлар ва депутатларнинг амалий ҳамкорлиги яхши самара беради, десак муболаға бўлмайди.

Бу ҳамкорлик, **биринчидан**, либерал-демократик ғояларни кенг омма онига синдириш, ҳар томонлама чуқур ўйланган сиёсат юритиш орқали партия сафларини замонавий фикрлайдиган инсонлар билан тўлдириш боришини назарда тутса, **иккинчидан**, сайловчилар ишончини қозонган депутатлар зиммасига

қил этилиб, ижроия идоралари раҳбарларининг ҳудудларни ривожлантиришнинг энг муҳим йўналишлари бўйича **58 та** ахбороти тингланди. Депутатларимиз томонидан **250 та** сўров юборилиб, уларнинг аксариятига асосланган тушунтиришлар ва раҳбарлар нуктаи назари баён этилган маълумотлар олинди.

Бундай тартибдаги назорат якунлари юзасидан депутатлик гуруҳларининг аниқ позициясини ифода этадиган ва мавжуд муаммоларни ҳал этишнинг мақбул йўлини белгилайдиган **155 та** амалий таклиф ишлаб чиқилган. Шулاردан **36 таси** сессиялар муҳокамаларига киритилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

АНИҚ САВОЛЛАРГА АНИҚ ЖАВОБЛАР БОРМИ?

Хўш, партиямиздан сайланган ва депутатлик гуруҳларига бирлашган наманганлик сафдошлар либерал ғоялар, партия Сайловолди дастурида белгиланган устувор йўналишлар, электорат манфаатларига оид қонун ҳужжатлари тарғиботини юритишда қандай усуллардан фойданмоқдалар?

– Биз, энг аввало, депутатларнинг сиёсий, ҳуқуқий билимларини бойитиб, уларнинг фаоллигини, ташаббускорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратмоқдамиз, – дейди **O‘zLiDeP Наманган вилоят Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Носиржон Абдуллаев**. – Жумладан, 2015 йилнинг январь ойидаёқ маҳаллий кенгашлардаги барча депутатларни бир жойга жамлаб, улар учун ўқув семинари ташкил этдик. Яъни, депутат ўзи ким, у қандай ваколатга, ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга? Депутатлик гуруҳи кимнинг



манфаатларини ҳимоя қилади? Назорат-таҳлил тадбири қандай амалга оширилади? Қонунлар, қарорлар, ҳудудни ривожлантириш дастурлари ижросини назорат қилишда депутатлар қандай усуллардан фойдаланишлари мумкин? Депутат сўрови юбориш тартиби қандай каби қатор долзарб масалалар бўйича O‘zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия кўмитасидан таклиф этилган ходимлар, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги

таҳкамлаш” мавзuida шаҳар ҳокимининг ўринбосари – хотин-қизлар кўмитаси раиси Ф. Жалолованнинг, Халқ депутатлари Мингбулоқ туман Кенгашидаги депутатлик гуруҳимиз эса “Вазирлар Маҳкамасининг иқтисодиётнинг реал тармоқларида техника ва технология янгилаш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турларини кенгайтириш ва уларнинг рақобатдошлигини ошириш талаб этилаётган корхоналар рўйхатига киритилган ҳудуддаги корхоналар фаолияти бўйича амалга оширилган ишлар хусусида” туман ҳокимининг иқтисодий ва ижтимоий масалалар бўйича ўринбосари О.Қодировнинг, Чуст туманида “Соғлом она ва бола йили” Давлат дастури ижроси ва аҳоли бандлигини таъминлашда фермерликни ривожлантириш имкониятларидан самарали фойдаланиш” бўйича туман Фермерлар кенгаши раиси И.Абдуллаевнинг ҳисоботи эшитилди.

– Жорий 2016 йилнинг I чораги давомида Халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партия депутатлик гуруҳи 3 марта, маҳаллий кенгашлардаги партия депутатлик гуруҳлари эса 19 марта йиғилиш ўтказди. Буни алоҳида таъкидлаётганимизнинг боиси шундаки, ана шу йиғилишлар қарорлари билан Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сессияларига 14 та, доимий комиссияларга 21 та масала киритиш таклифлари маъқулланди.

Халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партия депутатлари томонидан турли ташкилотлар раҳбарларига 24 та, маҳаллий кенгашлардаги депутатларимиз томонидан эса ташкилотларга жами 97 та сўров юборилиб, уларнинг аксариятига мутасадди раҳбарлардан асосланган жавоблар олинди.

Масалан, Халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги O‘zLiDeP депутатлик гуруҳи йиғилишларида “Вилоятда қулай инвестицион муҳитни шакллантириш орқали иқтисодиётга киритилмайдиган хусусий сармоялар ҳажмининг жадал ўсишини таъминлаш” масаласи юзасидан Иқтисодиёт бош бошқар-

маси бошлигининг ўринбосари И.Тохтабаев, “Автомобиль йўллари қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш, йўллар бўйидаги инфратузилмаларни ривожлантириш бўйича 2016 йил учун белгиланган вазифалар ижроси” бўйича “Наманган навтойул” ҳудудий йўллардан фойдаланиш ташкилоти директори И.Исмоиловнинг ҳисоботлари эшитилиб, ҳар икки масала депутатлик гуруҳи аъзолари

танқиддан кейинги тадбирлар

ТАНҚИДАН КЕЙИНГИ ТАДБИРЛАР

Наманганлик депутатлар учун яна бир муҳим вазифа борки, албатта, бу улар фаолиятида асосий ўринни эгаллаши лозим. Маълумки, Президентимиз Ислам Каримовнинг 2015 йил 26 ноябрда бўлиб ўтган Халқ депутатлари Наманган вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқида вилоятда ижтимоий-иқтисодий соҳаларда эришилган натижалар чуқур таҳлил қилинди. Айниқса, вилоятда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиб бораётганлиги, ялли ҳудудий маҳсулотда бу секторнинг улуши 75 фоиздан юқори эканлиги, меҳнатга яроқли аҳолининг 80 фоизга яқини шу соҳада хизмат қилаётганлиги алоҳида эътироф этилди. Шу билан бирга, вилоятда иқтисодий ривожлантириш бўйича муаммолар, фойдаланилмаётган имкониятлар ҳақида ҳам сўз юритилди. Жумладан, бугунги кунда вилоятда маҳаллий харажатларнинг 41 фоизи мамлакат бюджети ҳисобидан қопланиб келаётгани, вилоятдаги 11 та тумандан 10 тасида бу кўрсаткич 60 фоиздан ошиб кетганлиги, айниқса, Косонсой, Тўрақўрғон, Уйчи, Янгиқўрғон туманларида бу масала ўта долзарб бўлиб қолаётганлиги таъкидланди. “Холбуки, Наманганда ҳали ишга солинмаган шундай беҳисоб имкониятлар борлигини инобатга оладиган бўлсак, ўзингиз айтинг, бундай ҳолат сизларга ярашади” деган эди Юртовшимиз. Маърузада, шунингдек, вилоят ялли ҳудудий маҳсулотда саноатнинг улуши 11 фоизни ташкил этаётгани,

мамлакат миқёсида бу рақам икки баробардан кўп бўлиб, 25 фоиздан иборатлиги, шунинг учун Наманган вилоятининг мамлакатимиз саноатидаги улуши жуда паст даражада эканлиги танқид қилинган эди. Бундан ташқари, вилоятда рўйхатга олинган 14 минг 765 та кичик бизнес субъектининг 2 мингдан ортиси фаолият кўрсатмаётганлиги, ўз ишни ташкил этиши учун уларга бинолар, ер участкалари ажратиш, муҳандислик-коммуникация тармоқларида улашиш масалаларида тўсиқ ва ғовлар учраётганлиги айтилган эди.

лашда захирага олинган электорат вакилларидан фойдаланилаётгани халқ депутатлари маҳаллий кенгашларида бўшаб қолган ўринларга ўтказилаётган сайловларда ҳам ижобий натижага танқид қилинган эди. Бундан ташқари, вилоятда фаолиятида сифат кўрсаткичларини янада яхшилаш, белгиланган режа асосида сайловчилар билан учрашувларнинг самарадорлигини ошириш, электорат манфаатларидан келиб чиқадиган муаммоларни тегишлигича сўровномалар орқали мутасадди идораларга чиқариш ва уларнинг ечимини бўйича қатъий

олияти устидан жамоатчилик назоратининг яхлит тизимини яратишда намоён бўлади.

Шундай экан, вилоятдаги депутатлик гуруҳларининг фаолиги ошаётганлиги ҳақида сўз юритилган экан, энг аввало, мана шу дастурий вазифалар руҳида гапириш керак, назаримизда. Депутатлик назорати бўйича кўрсатиб ўтилаётган салмоқли рақамлар остида бирор амалий самара борми ёки улар қуруқ рақамларми?

Депутатларимизнинг ўз ваколатларидан фойдаланишлари натижасида жойлардаги муаммолар ўз ечимини топмас экан,



Хўш, депутатлар, хусусан, O‘zLiDePдан сайланганлар Президентимизнинг ушбу маърузасидан келиб чиқиб, қандай вазифаларни белгилаб олдилар?

Партияимизнинг вилоят, шаҳар, туманлардаги барча тузилмалари, маҳаллий кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари Давлатимиз раҳбарининг нутқида ўртага қўйилган масалалардан келиб чиқадиган вазифаларга алоҳида эътибор қаратяптилар, – дейди **O‘zLiDeP Наманган вилоят Кенгаши раиси Олий Мажлис Сенати аъзоси Солижон Нуминов**. – Бу борада бир неча марта кенгайтирилган йиғилишлар ўтказдик. Устувор вазифаларни белгилаб олдик. Вилоятда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги ҳар қандай тўсиқ ва ғовларни бартараф этишга кўмаклашиш чораларини кўраямиз. Шу мақсадга йўналтирилган тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтиряймиз. Бунда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партияимиз фракцияси аъзолари, ҳамкор ташкилотлар вакиллари яқиндан ёрдам бермоқдалар.

Эътироф этиш жоизки, O‘zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия кўмитаси томонидан режалаштирилган партиявий тадбирлар, истиқболли лойиҳалар Наманган вилоятда ҳам ўз самарасини бериб, одамларнинг O‘zLiDePга бўлган ишончи тобора ортаётди. Яна бир қувончли жиҳати, депутатлик маҳсулотда саноатнинг улуши 11 фоизни ташкил этаётгани,

назорат ўрнатиш наманганлик сафдошларимиз олдига турган долзарб вазифалар сирасига қиради. Яна бир муҳим йўналиш эса партияимиздан сайланган депутатлар ва депутатлик гуруҳларини электорат манфаатларига тааллуқли бўлган масалаларни маҳаллий кенгашлардаги доимий комиссиялар йиғилишларида муҳокама этиш, сессиялар кун тартибига киритиш, тадбиркорлик ва фермерликни ривожлантиришга оид қонун ҳужжатлари ўз вақтида бажарилишига таъминловчи бўлган мутасадди ижроия идоралари вакилларининг ҳисоботлари эшитувини ташкил этишда янада фаоллик кўрсатишдан иборатдир.

ЛИБЕРАЛЛАР ИЛҒОР БЎЛИШИ КЕРАК!

O‘zLiDeP вакиллик органларининг давлат ва жамият қурилиши жараёнидаги ўрнини мустаҳкамлаш, ижро этувчи ҳокимият фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатишнинг самарали тизимини яратишга ҳаракат қилмоқда.

Бу парламентаризмни ҳар томонлама ривожлантириш, мамлакат сиёсий тузилмасида вакиллик органларининг роли ва аҳамиятини ошириш, партияларо рақобатни кучайтириш, қонунлар ижроси ва ижро этувчи ҳокимият, шу жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фа-

кичик бизнесда, фермерликда, каттами-кичикми бирор-бир фойда берадиган ишлар узил-кесил ҳал бўлмас экан, рақамлар рақамлигича қолиб кетаверади.

Зотан, мамлакатимизда O‘zLiDeP электорати бўлган тадбиркорлар ва ишбилармонлар манфаатларини ишончли ҳимоялаш учун барча шарт-шароитлар яратилган. Агар қарда бу борадаги ишлар султанга бўлса, демаски, ўша ерда ижро этувчи ҳокимиятнинг ҳам, вакиллик ҳокимиятининг ҳам фаолиятини талаб даражасида деб бўлмайди.

Ўқувчиларимиз эътибор бераётган бўлишса, депутатлик гуруҳларимиз фаолиятига бағишланган саҳифаларда улар томонидан амалга оширилаётган ижобий ишларни ёритиш баробарида вакиллик ҳокимиятини янада ривожлантиришга доир қарашларни ҳам акс эттиришга ҳаракат қилаёямиз. Бу бежиз эмас, албатта.

Бунга, ҳеч шубҳасиз, бизнинг эртанги кунимизни белгилаб берадиган, ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий ислохотларнинг стратегик дастури бўлган “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси” асос яратиб берди. Шундай экан, бу ишда ҳам либераллар илғор бўлиши керак.

Саҳифа O‘zLiDeP Наманган вилоят Кенгаши матбуот хизмати билан ҳамкорликда тайёрланди.

БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

"XXI asr"
18 (650)-son.
2016-yil 5-may,
payshanba



Асосий иш ва шахсий юмушлардан вақт орттириб, йиллар давомида партиямиз дастурий гоёларини омма орасида уздуксиз тарғиб қилиш, уларнинг афзаллигига одамларни ишонтира олиш учун шу ишга жазм қилган инсонда, аввало, мазкур гоёларга чексиз ишонч бўлиши керак. Бошқалар қалбида ҳам теран хайрихоҳлик туйғусини уйғотиш, кишиларни сиёсий куч фаолиятига ҳамоҳанг ташаббусларга, саъй-ҳаракатларга илҳомлантириш эса битмас-туганмас иштиёқ, шижоат талаб этади. Ҳозирги шиддаткор замонимизда, бир дақиқа ҳам ўта ганимат бўлиб турган даврда заковатли ҳамда жуда самимий инсонгина фуқаролар диққатини ижтимоий-сиёсий мавзуларга жалб қила олиши мумкин. Зеро, юракдан чиққан сўзгина юракларга етиб боради.

Сафдошларимиз ичида шундай фазилатлар соҳиби бўлган, чинакам фидойи инсонлар кўп. Улардан бири — О'zLiDeP Сиёсий Кенгаши аъзоси, партия Чилонзор туман Кенгаши раисининг аёллар масалалари бўйича ўринбосари, "Doctor-D" хусусий клиникасида фаолият юритаётган БПТ етакчиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор Дилобар Миррахимовадир. У яқинда партиямиз томонидан уюштирилаётган "Либерал гоёларнинг энг фаол тарғиботчиси" тақдирот-танловининг туман босқичида биринчи ўринни эгаллади.

Ҳаётини партиямиз билан чамбарчас боғлаган маслақдошимиз билан учрашиб, мухтар сўхбат қилдик.

— Дунёда қарашлар кўп, турли-туман мафқуралар, гоёлар бисёр. Нега айнан либерал-демократик гоёларни қўллаб-қувватлаёсиз?

— Илгари у ёки бу муносабат билан жаҳондаги юксак ривожланган давлатлар ҳақида ўйлар эканман, "Улар қандай қилиб шу даражага эришдилар?" деган савол ҳаёлимни банд этверарди. Гарчи тизимли равишда бўлмаса-да, унга жавоб топиш учун ўқидим, изландим.

Пировардида шундай хулосага келдимки, кўплар ҳавас қиладиган бу мамлакатлар куч-қудратининг асосий омилларидан бири кичик бизнес эгаларига эркинлик, имтиёзлар берилгани, тадбиркорларга астойдил гамхўрлик кўрсатилгани экан. Ишбилармон бемалол ишласа, таълим, спорт, санъат каби бошқа жабҳалар ҳам раванк топади, ўлка гуллаб-яшнайд.

О'zLiDePнинг дадил қадамлар билан мамлакатимиз сиёсий майдонига чиқиб келиши мен учун айни мuddао бўлди. Ижтимоий-сиёсий қарашларимни шу партия орқали ифода этаётганман. Ҳамюртларимни ҳаётбахш, мустақам асосга эга гоёларни қўллаб-қувватлашга даъват этаётганман.

— Сизнингча, хусусий тиббиётнинг қандай афзалликлари бор? Юртимизда унинг янада ривожланишидан фуқаролар манфаатдорми?

— Дастлаб шунга айтишим керакки, 2004 йили, бироз иккилашлардан сўнг, хусусий клиника очилган қарор қилдик. Лекин фаолиятни йўлга қўйиш, тегишли хужжатларни тайёрлаш жараёнида айрим мураккабликларга дуч келишдан чўчирдик. Қувонарлиси, эркин иш юритиш учун барча зарур шарт-шароит яратилгани учун қисқа муддатда яхши натижаларга эришдик. Хуллас, фаолиятнинг нечоғли самарали кечилиши асосан мулкдорнинг ўзига, иқтидорига, укувига боғлиқ эканлигини ўз тажрибамизда кўрдик. Кейинчалик салоҳиятимизни "Doctor-D" МЧЖ билан бирлаштирдик.

Шу билан бирга ҳали-ҳануз шу соҳага "мансуб" бўлиб қолган айрим муаммоларни ҳам шахсан бошимдан кечирдимки, партиямизнинг асосий электорати — тадбиркорлар ташвишларини яхшироқ аниқлаш билан бирга, уларнинг ҳал қилиниши кўп жиҳатдан ишбилармонларнинг ўзига боғлиқлигини ҳам тушундим. Демокриманки, тадбиркор тегишли масалаларга кенг жамоатчилик эътиборини қаратиши, ўз нуқтани назарини ижро ҳокимияти органларига билдириши, тақлифларини қонун ижодкорларига етказиши зарур. Албатта, унинг яқка ўзи шунча ишни удалаш мушкул. Партиямиз шунча шундай ташаббуслар учун улкан имкониятлар яратяпти, уларнинг қобилиятлари, орзу-умидлари тўла рўёбга чиқариши учун кўмак бермоқда.

Шу ўринда хусусий шифохоналарнинг афзалликлари тўғрисида гапирсам, улар биринчи навбатда одамларга танлаш ҳуқуқини бери. Эслайлик. Бир вақтлар шундай имконият бормиди. Албатта, йўқ эди. "Хоҳласанг ҳам, хоҳламасанг ҳам шу" деган ақида ҳукмрон эди. Кунимиз кўл учиде таъмирланган хоналар, маънавий ва моддий жиҳатдан эскирган ускуналар ва усулларга қолганди. Хусусий клиникалар қанчалик кўпайса, ракобат ҳам шунчалик кучаяди. Нархлар арзонлашади, хизмат сифати эса юксалади.

— Сир эмас, авваллари айрим ҳудудларда уюштирилган партиявий тадбирлар расмиётчилик учунгина ташкил этилгани боис иштирокчилар эътирозига сабаб бўларди. Билмак, сиз учрашулар ўтказган муассаса, ташкилотлар ва маҳаллаларда эса шундай учрашуларга қизиқингиз билан ўртоқлашсангиз.

— Биз мунга равишда тадбирлар мониторингини олиб бораяптимиз. Хусусан, партия туман Кенгаши аъзолари, таянч тузилмалар етакчилари иштирокида ҳар бир тадбирга ҳолис



ЮРАК дан чиққан сўзларга сингади

"Либерал гоёларнинг энг фаол тарғиботчиси" танлови туман босқичи ғолибининг партиямиз гоёларига ишончи чексиз

раҳо беришга ҳаракат қиламиз. Бунда иштирокчиларнинг ўз муносабатини, у қандай бўлишидан қатъи назар, ҳеч бир монеликсиз, бемалол айтишига имконият яратамиз. Иложи борича кўпроқ тақлифлар олишга интиламиз. Кейин уларнинг айримларини биргаликда ривожлантирамиз. Якуний босқичда энг яхшиларини саралаб оламиз. Шу тариха, интерфаол усуллар буйича тажриба орттириб, уни турли тадбирларда қўллашга уриняптимиз. Шунингдек, учраётган айрим хатолардан ҳам тегишли хулосалар чиқараётишимиз. Масалан, ёши, дунёқараш, касб-кори орасида катта тафовут бўлган кишилар қатнашувчи, кўп одам тўпаланган иштирокчилардан аста-секин воз кечаяптимиз. Чунки бирор мавзу муайян тоифадагиларни жуда кизиқтириши, айни пайтда бош-

кўп масалаларда ахборот алмашинувининг замонвий воситаларига мурожаат этмоқдаларки, бу айни йўналишдаги ишларни жонлантиришга ундаяпти. Шу билан бирга баъзи қузатувлар бутунги кунда хусусий сектор вакилларининг юридик масалаларга оид билимларини эгаллашга иштиёқи катталигини далолат бераётир. Биз ана шу тенденциядан келиб чиқиб, ҳуқуқий мавзуларга бағишланган тадбирларга кўпроқ урғу бераётишимиз. Чилонзор туманидаги 49 та маҳаллада ўтказилган туркум давра сўхбатлари ҳам жамоатчиликда катта қизиқиш уйғотди.

— Учрашуларда иштирокчилар сизга кўпроқ қандай саволлар беришади? Умуман, қордошларимизнинг партиямизга муносабати ҳақида нима дея оласиз?

— "Партия сафига кирсам, у менга нима беради?", "Қандай қилиб бизнесимни йўлга қўйишим мумкин?" деган саволлар билан мурожаат қилувчилар кўп. Уларга ўз мақсадлари йўлида О'zLiDeP куч ва имкониятларидан фойдаланишни маслаҳат бераман. Масалан, бошловчи тадбиркорлар учун бепул ўқув курслари, фаолият юритаётган ишбилармонлар учун эса ҳуқуқий маслаҳатхоналар ишлаб турибди. Бизнес-гоёларни амалга оширишга мўлжалланган партиявий лойиҳалар ҳам талайгина. Хуллас, савол берувчи манфаати билан партиямиз фаолияти кесилган жойини

кўрсатиб бераман. Дарвоқе, мулоқотлар чоғида бирор соҳа такомиллашуви, эл-юрт фаровонлигига хизмат қиладиган янги гоёларни кўнглида пиштириб юрган инсонларни аниқлаб, уларга кўмак беришга, янада фойдалантиришга интилаяптимиз.

Ҳамюртларимиз ривожланган демократик давлат, кучли фуқаролик жамиятини сиёсий партияларсиз қуриб бўлмаслигини адаллақон аниқлаб етган. Эътиборлиси, уларнинг кўпчилиги партиямиз ташаббуслари, лойиҳалари, илгари сўраётган асосий гоёлари билан таниш. Айниқса, ёшлар мамлакатимиз келажагини тадбиркор ва фермерларсиз тасаввур эта олмасликларини дадил эътироф этишмоқда.

— "XXI asr" мухбири Бехзо ИСРОИЛОВ сўхбатлашди.

О'zLiDeP Кўқон шаҳар Кенгашининг "Аёллар қаноти" фаоллари 2-сонли вилоят онкология диспансери ҳамда шаҳар туғруқ комплекси билан биргаликда "Кўқон механика заводи" акциядорлик жамиятида "Кўкрак беги саратонига қарши биргаликда курашамиз!" шиори остида махсус акция уюштирди. Қайд этиш керакки, унинг юқори савияда ўтишига мазкур жамиятдаги бошланғич партия ташкилоти аъзолари катта ҳисса қўйишди.

Тадбирда таъкидланганидек, хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш партиямизнинг муҳим вазифалари сирасига қиради. Бу борадаги саъй-ҳаракатлар, хусусан, ўтказилган тиббий кўрик ҳам тегишли масалаларга жамоатчилик диққат-эътиборини жалб қилиш, О'zLiDeP дастурий гоёларига хайрихоҳлар сафининг кенгайишига хизмат қилади.

САФДОШЛАР КЎПАЙМОҚДА

Мутахассислар ҳар бир аёл ўз соғлигига эътиборли бўлиши кераклиги ҳақида асосли фикрлар билдирдилар, қатнашчиларнинг турли саволларига батафсил жавоблар қайтардилар.

Ўзи учун сиёсий платформа, деб танлаб олган либерал-демократик гоё ва мақсадларни ўз фаолияти орқали кенг омма онгига сингдириш, бу борада сафини кенгайтиришга йўналтирилган, ҳар томонлама чуқур ўйланган партия сиёсатини тарғиб қилиш ишларини амалга ошириш Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон либерал-демократик партиясининг асосий мақсадларидан биридир.

Сўнгра 79 нафар аёл бепул тиббий кўриқдан ўтказилди. Соҳанинг малакали мутахассислари замонавий ультратовуш аппаратлари ёрдамида ташхис қўйишди.

— 27 йилдан бери шу корхонада ишлайман. Турмуш ташвишлари билан бўлиб, саломатлигимга етарли эътибор қарата олмайдиман. Мазкур тиббий кўрик мен учун айни мuddао бўлди, — дейди Сорахон Солиева. — Бундай гамхўрликдан хурсандман.

Ишонч билан айтманки, жамоамиздаги барча аёллар ҳам шундай фикрда. Корхонамизда тузилган партия кўйи бўғини ана шундай хайрли ташаббу билан чиққанини билгач, О'zLiDePнинг амалий ишлар партияси эканлигига яна бир бор ишонч ҳосил қилдим.

— Мазкур тадбирни "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури ҳамда Президентимизнинг "2014-2018 йилларда Ўзбекистон аҳолисининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсимирлар соғлигини муҳофаза қилиш борасидаги Давлат дастури тўғрисида"ги Қарорининг жойлардаги ижроси бўйича навбатдаги кадам сифатида баҳолаш мумкин, — дейди вилоят онкология диспансери шифокори, О'zLiDeP аъзоси Акрамжон Тўйчибоев. — Акция партия ташкилотлари билан тиббий муассасалар ўртасидаги ҳамкорлик катта салоҳиятга эгаллигини кўрсатди. Истикболда ўзаро алоқаларни янада ривожлантириш ниятидамиз.

Қайд этиш зарурки, шу сингари бепул тиббий кўриқларни Кўқон шаҳридаги партиямиз таянч тузилмалари фаолият юритаётган барча ташкилот ва муассасаларда ташкил этиш кўзда тутилган.

Мухсинжон ЮСУПОВ,
О'zLiDeP Кўқон шаҳар Кенгаши
БПТлар билан ишлаш бўйича бош консультант.

ФАОЛИЯТГА БЕРИЛГАН БАҲО

Ғиждувон туманида 1494 нафар маслақдошимизни бирлаштирган 44 та БПТ фаолият юритапти. Яқинда поёнига етган ҳисобот-салоҳи йиғилишларида амалга оширилган ишлар атрофлича таҳлил этилиб, галдаги вазифалар белгилаб олинди. Зиммасидаги вазифаларга масъулиятсизлик билан қараган БПТ раислари ўрнига иқтидорли, ташаббускор партиядошларимиз номзодлари маълумланди. Бир қанча кўйи бўғинлар етакчилари эса қайта сайланди. Мисол учун, Савдо-саноат палатаси вилоят ҳудудий бошқармасининг туман ахборот-маслаҳат маркази, "Кўкча" ҚФЙ, шунингдек, "Ғиждувон-Зарафшон-Раҳмон" МЧЖдаги таянч тузилмалар етакчилари қайта сайланганини таъкидлаш жоиз.

"Соқтари" қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида фаолият кўрсатаётган таянч тузилма фаолияти ҳам намунали ташкил этилган. Жумладан, маҳаллий кенгаш депутатлари ва кўйи бўғин ҳамкорлиги яхши самара бераётир. Айтайлик, аҳолини ичимлик сув, табиий газ, электр қуввати билан таъминлашдаги узилишларнинг олдини олиш, оилавий тадбиркорлик субъектлари сонини кўпайтириш, электротар мурожаатлари билан ишлаш бўйича муайян ишлар амалга оширилди. Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатлари Замира Сафарова, Саид Раҳмонов, туман Кенгаши депутатлари Замира Толибова, Гулнора Шамсиева кўйи ташкилотлар билан баҳамжиҳат иш олиб боришяпти. Партиявий лойиҳалар ва дастурлар ижросини таъминлашда, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда кўйи бўғинларнинг ҳам ўз ўрни, таъсири борлиги кўзга яқол ташланмоқда. Ҳисобот-салоҳи йиғилишларида шу ҳақда атрофлича сўз юритилиб, белгиланган вазифалар ижросига жиддий ёндашиш зарурлиги таъкидланди.

Туман Фермерлар кенгашидаги БПТ раиси Элёр Бўроновга ҳам сафдошлари ишонч билдиришди. Дарҳақиқат, изланувчан, тиришқоқ, ташаббускор бу йиғиннинг келгусида партия кўйи бўғинига моҳирона раҳбарлик қилишига шубҳа йўқ. Ўтган йилги ҳисобот-салоҳи йиғилишида билдирилган ўринли тақлифлар бирма-бир бажарилгани эътиборга молик. Масалан, фермерларнинг касбий билим ва малакасини ошириш учун махсус ўқувлар ташкил қилинди, соҳага оид тарқатма материаллар чоп этилди. Бугунги кунда ушбу БПТ тарихида 90 нафар партия аъзоси бўлиб, улар дав-



тимиз раҳбарининг соҳани ривожлантиришга оид фармон ва қарорлари мазмун-моҳиятини аҳолига етказиш ва ҳаётда татбиқ этишга муносиб ҳисса қўшаётлар. Президентимизнинг яқинда матбуотда эълон қилинган "Мева-сабзавот, картошка ва полиз маҳсулотларини харид қилиш ва улардан фойдаланиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори мазмун-моҳияти билан яқиндан танишган фаоллар биринчи галда бажарилиши лозим бўлган вазифаларни белгилаб олдилар.

— Вилоят миқёсида оладиган бўлсак, ҳисобот-салоҳи партия жараёнида партия аъзолари 30 нафардан ортқ бўлган 86 та БПТда кенгашлар тузилди, — дейди партия ҳудудий кенгаши БПТлар билан ишлаш гуруҳи раҳбари Руслан Загреддинов. — Партия кўйи бўғинлари етакчиларининг 497 нафарига эса қайта ишонч билдирилди. Таҳлиллар шунга кўрсатмоқдаки, Бухоро ва Қогон шаҳарлари, Бухоро, Ғиждувон, Қорақўл, Қоронбулоқ, Жондор, Ромитан туманларида муҳим тадбирлар уюшқоқлик билан ўтказилиб, аксарият кўйи бўғинларнинг етакчилари қайта сайландилар. Бу жойларда ҳисобот даврида тарғибот ишларини уюштириш, ижтимоий-иқтисодий муаммоларни аниқлаш ва бартараф этиш, партия аъзолари сафини кенгайтиришда ижобий натижаларга эришилган.

Бирок айрим жойларда янги бошланғич ташкилотлар тузиш, партиявий тадбирларни маҳаллий ОАВда ёритиш, тарғибот-ташвиқот ишларини қўчайтириш эътибордан бироз четда қолган. Янги сайланган етакчилар зиммасига шу сингари нуқсонларни бартараф этиш вазифаси ҳам юклянапти. Асхор ИСТАМОВ, "XXI asr" мухбири.

Давлатимиз раҳбарининг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш йуналиши ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида таъкидланганидек, мазкур йўналишдаги ислохотлар натижасида ялпи ички маҳсулотимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши 2000 йилдаги 31 фоиздан бугунги кунда 56,7 фоизга етди ёки 1,8 баробар ошди. Жами sanoat маҳсулотларининг учдан бир қисми, кишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 98 фоизи хусусий сектор томонидан ишлаб чиқарилмоқда. Иш билан банд аҳолининг 77 фоиздан ортиги мазкур тармоқда меҳнат қилаётгани ҳам эътиборга молик.

Ислохотларнинг навбатдаги босқичида йирик бизнесни ташкил этишнинг асосий ташкилий-ҳуқуқий шакли бўлган акциядорлик жамиятлари фаолиятини такомиллаштириш ва модернизация қилишга алоҳида аҳамият берилётганини қайд этиш жоиз. Бундай жамиятларда фаолият ҳамда мулкчилик муносабатларининг меъерий-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш, чет эл инвестицияларини киритиш орқали ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, замонавий технологик жиҳозлар билан қайта жиҳозлаш, ривожланган мамлакатларда ўзини оқлаган замонавий корпоратив бошқарув тизимини жорий этиш масалаларига устувор вазифа сифатида қаралмоқда. Президентимиз Бош Қомусимиз қабул қилинганининг 22 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида: "Корпоратив ёки акциядорлик бирлашмалари фаолиятини самарадорлигини таъкидлий баҳолаш ҳам соғат жиҳдий эътибор талаб қилмоқда. Ривожланган давлатларда, айниқса, sanoat ишлаб чиқариш соҳасида мулкчиликнинг ана шу шакли асосий ўрин

Таҳлил

миноритар эгалари ўз ҳуқуқларидан тўла фойдаланмаётгани, улар акциядорлик жамиятлари фаолиятига таъсир кўрсатмаётганини алоҳида таъкидлади. Давлатимиз раҳбари қайд этганидек, бунинг асосий сабабларидан бири шуки, ҳуқуқнинг турли йўналишлари, хусусан, маъмурий, жиноят, хўжалик қонунчилигида ушбу қонун қабул қилиниши билан бир пайтнинг ўзиде унинг ижросини таъминлайдиган маъмурий-ҳуқуқий, суд-ҳуқуқ механизмлари кўзда тутилмаган. Мисол учун, акциядорларнинг ҳуқуқларини бузган учун мансабдор шахсларнинг маъмурий жавобгарлиги белги-ланмаган эди.

Соҳадаги муайян муаммолар ечими топилишида Президентимизнинг 2015 йил 24 апрелдаги "Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув усулларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони муҳим аҳамият касб этди. Мазкур ҳужжатда корпоратив бошқарув тизимини янада ривожлантиришнинг асосий йўналишлари белгилаб берилди.

Ривожланган мамлакатларда самарали ишлаб келаётган акциядорлик жамиятлари тажрибаси чуқур ўрганилган ҳолда уларнинг намунавий ташкилий тузилмаси ишлаб чиқилди ва тасдиқланди. Фармон ижросини таъминлаш бўйича Германия ҳамда бошқа иқтисодий ривожланган давлатларнинг етакчи таълим муассасалари жалб этилган ҳолда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий бизнес мактаби негизда Корпоратив бошқарув илмий-таълим марказига асос солинди.

2015 йилнинг 21 декабрида яна бир муҳим норматив ҳужжат — Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Акциядорлик жамиятларига хорижий инвесторларни жалб қилиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори қабул қилинди. Унга мувофиқ акциядорлик жамиятлари устав капиталида хорижий инвесторларнинг улуши 15 фоиздан кам бўлмастлиги тартиби жорий этилди. Устав капиталида хорижий инвесторларнинг улуши 15 фоиздан кам бўлган, илгари

ташкил этилган акциядорлик жамиятлари 2016 йилнинг 1 июлигача хорижий инвесторларнинг улушини белгиланган миқдорга етказишлари лозим. Бу талабни бажармаган субъектлар акциядорлик жамиятлари реестридан чиқарилади ва бошқа ташкилий-ҳуқуқий шакллarga ўзгартарилади.

Амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида 2015 йилда 506 та мулк мажмуаси танлов асосида 1 триллион сўм ва 40 млн. АҚШ долларини миқдорда инвестиция киритиш ҳамда 22 мингга яқин янги иш ўринлари яратиш мажбурияти билан "ноль" қийматида сотилди. 245 та кам рентабелли ва фаолият кўрсатмаётган ташкилот тутатилди. 378 та акциядорлик жамиятининг давлат улуши баҳоланди ва чет эллик стратегик инвесторларга сотиш учун очик савдога қўйилди. 52 та акциядорлик жамиятининг савдога қўйилган давлат улуши хусусий мулкдорларга сотилди.

Хулоса тариқасида шунини айтиш зарурки, мамлакатимизда корпоратив бошқарувни такомиллаштириш ва акциядорлик жамиятлари фаолиятини янада ривожлантириш амалга оширилаётган ислохотларнинг ўта муҳим қисми ҳисобланади. Бинобарин, давлатнинг ваколатли органлари зиммаларига юклатилган вазифаларнинг ўз вақтида, бениҳсон амалга татбиқ қилинишига гоёт масъулият билан ёндашмоқдалар.

И. Тўлаев,
иқтисод фанлари номзоди,
Банк-молча академияси
катта илмий ходим-изланувчиси.

Мирзаҷўлдаги мўъжазгина сиҳатгоҳ

Реклама ўрнида

Баҳром МИРЗАҚОБИЛОВ,
"XXI asr" мухбири.



Истиқлол йилларида мамлакатимизда барча йўналишларда бўлгани сингари тиббиёт соҳасида ҳам улкан ислохотлар амалга оширилмоқда. Бунинг самараси ўлароқ, бугунги кунда республикамизнинг барча ҳудудларида энг замонавий тиббий жиҳозларга эга, малакали мутахассислар билан таъминланган, турли йўналишларга ихтисослашган шифохона, сиҳатгоҳ ҳамда кишлоқ врачлик пунктлари фаолияти кенг йўлга қўйилган. Мирзаҷўл туманидаги «Ғагарин минерал сувлари» масъулияти чекланган жамиятига қарашли сиҳатгоҳ салкам ярим асрдан буён халқимизга беминнат хизмат кўрсатиб келмоқда.

— Жиззахнинг дашт ҳудудидаги ушбу гўша мамлакатимиздаги шифобахш балчиқ билан даволочи тиббий муассасалардан бири, — дейди сиҳатгоҳ бош шифокори Шаҳзода Ходжаева. — Табиатнинг ушбу неъматини туфайли бу ерда ҳар йили минглаб беморлар шифо топиб, саломатлигини мустаҳкамламоқда.

Манбаларда ёзилишича, маъдани сув ва балчиқнинг шифобахш хусусиятлари қадимдан маълум бўлиб, улардан асосан даволаш ва профилактика мақсадларида фойдаланилган. Одамлар бу неъматларнинг фойдали жиҳатини тажриба натижасида билганлар. Бугунги кунда сув ва балчиқнинг иссиқлик ситми юқорилиги, ҳар хил туз ва газларни яхши эрита олиши ва бошқа хусусиятларидан даволаш мақсадларида кенг қўлланилмоқда.

Айни пайтда сиҳатгоҳда ошқозон-ичак, буйрак, таянч-ҳаракат, асаб тизими, юрак-қон томирлари касалликларидан азият чекаётган беморларга сувли ванна, балчиқ, игна, шам, укалалаш, узматерапия, саратон пайтлари кум ва бошқа даволаш усуллари тавсия этилмоқда. Шу билан бирга 10 хилдан зиёд электр муолажаси ҳам беморлар ихтиёрида.


Юқорида қайд этилганидек, «Ғагарин минерал сувлари» сиҳатгоҳида сув ва бошқа физиотерапевтик муолажалар билан бир вақтда балчиқнинг кенг қўлланилиши даволаш самарадорлигини янада оширишга хизмат қилмоқда. Маълумки, балчиқ инсон организмига термик, физик, кимёвий, радиоактив ва биологик ҳоссалари билан

таъсир уткази. Ҳозир муассасада бод, мода алмашинувиининг бузилиши ва турли шикастланишлар натижасида таянч ва ҳаракат органларининг шикастланиши, қорин бушлигининг яллиғланиши ва бошқа кўплаб касалликларни балчиқ билан даволаш амалиёти қўлланилмоқда.

— Менетти йилдан буён сиҳатгоҳга келаман, — дейди арнасойлик 86 ёшли Жўра бобо Шаҳаров. — Бу ерда йилдан-йилга ижобий ўзгаришлар кўпайиб бораётир. Ҳар гал муолажалардан сўнг ўзимни бардам, тетик сезаман. Ўз касбига сидқидидан ёндашган шифокорлардан гоёт миннатдорим.

Айтиш жоизки, бугунги кунда сиҳатгоҳда 5 нафар малакали мутахассислар билан бирга 24 нафар ходим меҳнат қилмоқда. Жамият раҳбарияти ташаббуси билан сиҳатгоҳда туя сутти билан даволаш ҳам йўлга қўйилди. Шу мақсадда олинган кредит маблағи ҳисобига шахсий туячилик хўжалиги ташкиллаштирилиб, синов ва текширувдан ўтган туя суттини беморлар истеъмол қилишга япти.

Умуман, «Ғагарин минерал сувлари» масъулияти чекланган жамияти жамоаси мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланиш, беморларга хизмат кўрсатиш турларини кенгайтириш мақсадида бир қатор истиқболли режалар устида иш олиб боришмоқда. Улардан бири вилоятнинг Фориш туманида сиҳатгоҳ филиалини очиш ва бия сутти билан даволашни йўлга қўйишидир.



— Сиҳатгоҳни замонавий шифо масканига айлантириш, уни тиббий-техник ва бошқа жиҳозлар билан таъминлаш, қайта таъмирлаш ишларини жадаллаштиришга интиляимиз, — дейди Шаҳзода опа сўхбат давомида. — Шу мақсадда банкдан кредит олиш учун бизнес-режа тайёрладик. Мақсад битта. У ҳам бўлса, шифо истаб келаётган ҳамюртларимизнинг дардига маълум бўлиб, яхши кайфиятда ўз оиласи, қадрдон жамоаси сафига қайтаришидир. Бунинг учун эса, бутун билимимиз, тажрибамиз, меҳнатимизни аямаймиз. Чунки, инсон соғлигини сақлаш биз учун энг олий саодатдир.

Хизматлар лицензияланган

Корпоратив бошқарув: иқтисодиёт равнақига хизмат қилмоқда

эгалариди", дея таъкидлаб ўтди.

«Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 2014 йил 6 майда янги тахрирда қабул қилингани Юртбошимиз томонидан белгиланган вазифалар амалга оширилиши учун мустаҳкам ҳуқуқий асос яратибгина қолмасдан, балки бу борадаги ислохотларни янада изчил давом эттиришга замин ҳозирлади. Шунингдек, 2015 йилда корпоратив бошқарув тизимидаги принцип ва ёндашувларни тубдан ўзгартариш, ташқи иқтисодий ва инвестиция жараёнларига замонавий халқаро корпоратив менежмент стандартларини жорий этиш мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланди.

Мамлакатимизда мулкчилик мазкур шаклининг аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш натижасида айни пайтда республикамизда 1 минг 100 тадан ортиқ акциядорлик жамияти фаолият кўрсатмоқда ҳамда уларнинг умумий устав капитали 11 триллион 700 миллиард сўмдан ортиқ бўлиб, бу рақам сўнгги ўн йилда 5,3 баробар ўси.

Президентимиз 2015 йил 23 январда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида 2014 йилнинг май ойида янги тахрирда қабул қилинган «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг ҳанузгача мукамал ишламаётганлигига танқидий баҳо бериб, акциядорлар, авваламбор, акцияларнинг

РЕКЛАМА

АНДИЖОН
ҲУДУДИЙ
ЭЛЕКТР
ТАРМОҚЛАРИ
КОРХОНАСИ
АКЦИЯДОРЛИК
ЖАМИЯТИ
ЖАМОАСИ

9 май

ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ

муносабати билан дунё кўрган нуроний отахон ва онахонларга чин дилдан энг ёруғ тилакларини билдиради.
Барчангизга узоқ умр, хотиржамлик ва сиҳат-саломатлик тилаймиз!

Самарқанд туманида йил ўн икки ой давомида томорқада тер тўкиб, мўмай даромад оладиган ҳамюртларимиз бисёр. Хусусан, "Найзатеп" кишлоғидагилар исталган фаслда ҳосил йилгишининг ҳадисини олишган. Айтайлик, қишда иссиқхонада етилган лимон, помидор, бодринг, булғор қалампир, турли кўкатлар пешма-пеш бозор расталаридан жой олади. Бошқа пайтларда ҳам ер ўз саховатини бу меҳнатқаш кишилардан аямайди.

Муҳаббат РАВШАНОВА,
"XXI asr" мухбири.

Муродқул Тилолов шу кунларда 10 сотих ерда картошка, сабзи, қарам парвариши билан банд. У бир сотих майдонда гурқираб ўсаётган картошқадан, ҳар доимгидек, бир тоннага яқин ҳосил олишига ишонади.

ТОМОРҚА – ДАРОМАД МАНБАИ

Икки метр чамаси чуқурликдаги бир сотих майдонга жойлашган иссиқхонадаги лимон дарахлари қийгос гуллаган. Ичкараси хушбўй ифорга тўлган. "Насиб этса, бу йил ҳам лимондан мўл ҳосил оламиз", дейишди хонадон эгалари. Ҳовлида анор, гилос, олма, банан дарахлари ҳам иштиёқ билан парваришланапти. Миришқорнинг айтишича, ўғил-қизлар, келинлар ва неваралар ҳосилдан баҳраманд бўлишадди. Органи бозорга чиқарилади.

Муродқул бобонинг ҳовлисидан чиқиб, Мавлуда Муҳумованинг хонадонига кирдик. Бу ерда иссиқхоналар ер устига қурилган. Уларни қишлоқ аҳли "дуга" деб аташаркан. Мавлуда опанинг томорқасидаги дугаларда гулқарам, қарам, сабзи, картошка баравж ўсиб ётибди.

— Томорқа асосий даромад манбаимиз, — дейди М.Муҳумова. — Ҳар йили ўртача 30 млн. сўм фойда оламиз. Шунинг орқасидан тўйлар қилдик, уй-жойларимизни таъмирладик. Бу йил-



ги даромаддан ўғлимизни уйлантиришни ният қилиб турибмиз.

Бу қишлоқда қайси эшикни қоқманг, меҳр билан парваришланаётган экинларга қўзингиз ту-

шиши тайин. Жўрабек Боқиевлар оиласи 15 йилдан бери лимончилик билан шугулланар экан. Унинг қўшини Шаҳобиддин Муҳаммадиев ҳам миришқор сифатида танилган.

— Йил бўйи ҳосил етиштирамиз, — дейди Ш. Муҳаммадиев. — Эрта баҳорда редискани йиғиб-териб, сотиб бўлганимиздан сўнг ўрнига гулқарам экамиз. Кейин эса бодринг. Хуллас, бош қашигга вақт йўқ.

МФЙ раиси маслаҳатчиси Матлуба Исроилованинг таъкидлашича, бу қишлоқдаги кўпгина хонадонларда қўшнлар ўртасидаги деворга дарча ўрнатиш одати сақланиб қолган экан. Айрим ҳамсоғлар ўртасида девор ҳам йўқ. Бу эса ўзаро меҳр-оқибатдан, аҳилликдан нишона. Шу каби эзгу аъналардан бу маҳаллада яшовчиларнинг шахсий томорқадан унумли фойдаланишида бир-бирдан тажриба ўрганишда ҳам асқотмоқда.

ДУНЁ БОЗОРИДА

▼ Реклама ўрнида

ХОРАЗМДА ТАЙЁРЛАНАЁТГАН МАХСУЛОТЛАРНИНГ НУФУЗИ ЙИЛ САЙИН ОРТИБ БОРАЁТИР

Хоразм вилоятида айни пайтда тўрт мингдан ортиқ кичик ва хусусий бизнес субъектлари, кўп тармоқли фермер хўжаликлари фаолият кўрсатмоқда ва улар томонидан икки мингдан ортиқ турдаги озиқ-овқат, саноат махсулотлари ишлаб чиқариляпти. Вилоятнинг ялпи ички махсулот ишлаб чиқариш салоҳиятида тадбиркорлик субъектларининг улуши йилдан-йилга ортиб бораёпти. Масалан, жорий йилнинг дастлабки чораги якунларида кўра, бу кўрсаткич 50 фоиздан ортиқни ташкил этди.

Таҳлиллар шунини кўрсатяптики, бугун вилоятнинг нафақат инфратузилмаси нисбатан яхши бўлган шаҳар шароитида, балки чекка қишлоқ жойларида ҳам замонавий технологиялар билан жиҳозланган маҳаллий ҳамда қўшма корхоналар, хизмат кўрсатиш соҳаларининг ташкил этилаётгани махсулот саломти ҳамда турининг ортиши билан бирга, жойларда минглаб янги иш ўринлари яратилган сабаб бўляпти. Айниқса, Президентимизнинг 2015 йил 15 майдаги “Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони вилоятда фаолият кўрсатяётган тадбиркорлар ва ишлаб чиқарувчилар учун янада қулайликлар яратди. Ишлаб чиқарилаётган махсулотлар сифатини яхшилаш, уларни нафақат ички, балки ташқи бозор талаблари даражасида тайёрлашда “Ўзстандарт” агентлигининг Республика синови ва сертификатлаштириш маркази ва унинг ҳудудий марказларининг ўрни бор.

— Вилоятимиз иқтисодиётида яқин йилларга агар тармоқ етакчи ҳисобланган бўлса, бугунги кунда Хоразм мамлакатимизнинг саноатлашган ҳудудлари қаторидан жой олди, — дейди “Хоразм синови ва сертификатлаштириш маркази” Давлат корхонаси директори Алишер Худойбергенов. — Корхоналардаги замонавий технологик ускуналарни маҳаллий ёшлардан иборат маалаки мутахассислар бошқариётгани эса ишлаб чиқарилаётган махсулотларнинг жаҳон андозалари талабларига тўла жавоб беришини таъминламоқда. Масалан, Хива туманидаги “Йулдош Мажд” кўп тармоқли фермер хўжалиги, “Алоқа”, “Хонка чевар”, “NAIL NORIMON QURILISH”, “Хива маиший техника”, “Ўргангазмаш”, “Сулаймон пласт” масулюяти чекланган жамиятлари, “ELINZA” ЧИПФ, шунингдек, “KHOREZM TECH” Ўзбекистон-Корея қўшма корхоналари шулар жумласидандир. Вилоятдаги маҳаллий ва қўшма корхоналарда ИСО 9001 халқаро “Сифатни бошқариш тизими”нинг жорий этилаётгани ана шундай ютуқларнинг омили бўлмоқда, дейиш мумкин. Бугунги кунда вилоятдаги 123 та корхонада тизим жорий этилиб, сертификатлаштирилган бўлса, яна 30 та корхонада тайёргарлик ишлари олиб бориляпти. Биргина “KHOREZM TECH” Ўзбекистон-Корея қўшма корхонаси ва “NAIL NORIMON QURILISH” корхоналарида 2015 йилда марказимиз мутахассисларнинг маслаҳат ва ёрдами билан ИСО 9001 “Сифатни бошқариш тизими” жорий этилган, корхона махсулотларига ички ва ташқи бозорда талаб орди. Қўвонарлиси, Хоразмнинг чекка бир қишлоғида ташкил этилиб, асосан маҳаллий ёшлар меҳнат қилаётган мазкур корхоналар махсулотлари

“Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган” муҳри билан бугунги кунда дунёнинг бир қатор давлатларига экспорт қилинмоқда.

Махсулотларнинг сифати, уларнинг истеъмол учун яроқлиги, мажбурий сертификатланадиган товарларнинг мувофиқлик сертификатига эга бўлиши, импорт товарларда эса давлат тилида маркировканинг мавжудлигига марказ масулдир. Агарда ўтган йилнинг шу даврида 6 турдаги 395 хил махсулотта мувофиқлик сертификати берилган бўлса, жорий йилнинг дастлабки чораги якуни бўйича 10 турдаги махсулотта 415 та мувофиқлик сертификати берилди. Чунки Хоразмда тадбиркорлар ва улар ишлаб чиқариётган махсулот тури кундан-кунга ортиб бораёпти. Айниқса, қишлоқ жойларида ташкил этилаётган кўп тармоқли фермер хўжаликларида қайта ишлаш цехлари, кичик заводларнинг ишга тушаётгани махсулот мўлчилигига сабаб бўлмоқда. Масалан, Богот туманидаги “Толиб Акмал” фермер хўжалигида бугунги кунда деҳқончилик, сут ва сут махсулотларини қайта ишлаш йўлга қўйилган эвазига 10 турга яқин махсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилган бўлса, Хива туманидаги “Йулдош Мажд” кўп тармоқли фермер хўжалигида тайёрланаётган махсулотлар вилоятдаги йирик супермаркетларда импорт ўрнини бемалол эгаллаган ҳолда аҳолига етказиб берилмоқда. Махсулотлар сифати доимий равишда истеъмолчилар талаби даражасида бўлиши учун марказнинг аккредитланган синови лабораториялари замонавий синови ҳамда ўлчов воситалари билан таъминланмоқда.

— Эйтиборли жиҳати, “Ўзстандарт” агентлигининг махсус жамғармаси ҳамда марказнинг ўз маблағлари ҳисобига биргина 2015 йилда 92 млн. сўмдан зиёд қийматга эга бўлган синови ҳамда ўлчов воситаси харид қилинди, — дейди яна сўхбатдошимиз Алишер Худойбергенов. — «GM UZBEKISTAN» Хоразм филиалига хориждан келтирилмаган автомобиль шиналарини синовдан ўтказиш учун марказнинг автотранспорт воситалари синови лабораторияси учун харид қилинган 60 млн. сўмлик синови ускунаси ҳисобига унинг ваколат доираси янада кенгайди. Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 19 октябрдаги “2020 йилгача бўлган даврда миллий инфратузилмалар сифатини ривожлантириш дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш бўйича марказнинг автотранспорт воситалари синови лабораториясини 2016-2017 йиллар давомида 80 минг долларга янги замонавий синови ускуналари билан таъминлаш ишлари олиб борилмоқда. Чунки ишлаб чиқарилаётган ёки четдан келтирилаётган махсулотларнинг сони ҳам, сифати ҳам доимо назоратимизда. Истеъмолчилар ва тадбиркорларга янада яқинроқ бўлиш учун эса марказимизда “Ишонч телефон”и ва онлайн тарзда ишлайдиган www.xorezmsert.uz веб сайтини ташкил этганимиз. Бу каби режалардан кўзланган асосий мақсадимиз, аввало, тадбиркорларга имкон даражасида яқинроқ бўлиш ва истеъмолчиларнинг доимо сифатли махсулот билан таъминланишларига ҳисса қўшишдир.

Зиёдулла МҲМИНОВ,
“XXI asr” муҳбири.

Хизматлар лицензияланган



Эълон

Барча истеъмолчи ва тадбиркорлар диққатига!

“Косон ёғ-экстракция”
Акциядорлик Жамияти

корхонада ишлаб чиқарилаётган пахта шроти очик биржа савдоси орқали сотилишини маълум қилади.

Манзил : Қашқадарё вилояти, Косон тумани,
Бухоро йўли кўчаси, 1-уй.

Маълумот учун телефонлар: **0375-592-19-15,**
+99893-525-43-53,
email: kosonyog@mail.ru

Махсулот сертификатланган

Бугунги кунда барча жойда бўлганидек, Андижон вилоятида ҳам катта ҳажмдаги бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда, янги-янги замонавий корхоналар барпо этилмоқда. Ушбу жараёнларни басқариш фаол иштирокисиз тасаввур қилиб бўлмайди, албатта. Жумладан, Асака туманида “Асака” акциядорлик-тижорат банкнинг “Фарход” филиали ташкил этилиши маҳаллий тадбиркор ва ишбилармонлар учун катта қулайлик яратди, дейиш мумкин. Айни пайтда хизмат маданиятини яхшилаш ва сифатини ошириш учун барча имкониятлардан фойдаланилмоқда.

Энг муҳими, аҳоли ва юридик шахслардан жалб этилган маблағлар иқтисодиётнинг реал секторига самарали йўналтирилиб, омонатчилар ва акциядорлар манфаатларига мос равишда қўлайтириб борилаётгани эътиборга олин.

2016 йил 1 апрель ҳолатига банк кредит портфели 43 млрд. сўмдан ошди. Кредит қўйилmalarининг асосий қисмини узок муддатли сармоялар ташкил этади. Жорий йилнинг биринчи чораги мобайнида банк филиали томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасига 8,9 млрд. сўм миқдорда кредит маблағлари йўналтирилди. Шунингдек, аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш, уларнинг бизнес лойиҳаларини молиялаштириш мақсадида ўтган қисқа давр мобайнида имтиёзли шартлар асосида 600 миллион сўмдан зиёд сармоя ажратилди. Уларнинг асосий қисми саноат ва хизмат кўрсатиш тармоқларига тўғри келади. Натияжада ҳудудларда қўллаб янги иш ўринлари ташкил этилиб, хотин-қизлар, айниқса ёшлар, касб-хунар коллежлари битирувчилари ўртасида бандлик даражаси ошиб бормоқда. Тарғибот-ташвиқотда ҳам гап кўп. Шу маънода филиал мутахассислари томонидан жойларда ташкил этилаётган учрашувлар, давра суҳбатлари ҳам кўпчилик учун фойдали бўлмоқда.

Бир қатор корхона ва ташкилотлар банкнинг молиявий ёрдамига таяниб қаддини тиклаб олмоқда.

“Матонат” маиший хизмат корхонаси ана шулардан биридир. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган болалар ва ўсмирлар курткалари ўзининг юкори сифати, нархининг нисбатан арзонлиги билан ажралиб туради.

2016 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун банк томонидан 41 млрд. сўм миқдорда кредит ажратиш режалаштирилган. Ҳозирда белгиланган қатъий режа асосида иш олиб борилмоқда. Ҳудудда банк филиали ёрдамига таяниб, яхши натижаларга эришяётган тадбиркорлар кўпчилигини ташкил этади.

Одилбек ТҲРАЕВ,
“Ҳојаобод Best Textile” масулюяти
чекланган жамияти раҳбари:

— Банклар одатда иқтисодиётнинг қон томирларига қиёсланади. Бу бежиз эмас, албатта. — Чиндан ҳам бозор шароитида банкларнинг молиявий ёрдамисиз қўзланган мақсадга эришиб бўлмайди. Бугун мамлакатимизда кичик корхона очиб, махсулот ишлаб чиқариш ёки хизматлар кўрсатишни йўлга қўяётган тадбиркорлар сафи тобора кенгайиб бормоқда. Улардан ҳар қанча ибрат олса арзийди.

Фаолиятимизни кенгайтириш учун “Асака” банкнинг “Фарход” филиалига мурожаат қилдик. Мутасаддилар мурожаатимизни қисқа муддатда

КЕЛАЖАК МАНФААТЛАРИГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН САРМОЯЛАР

▼ Реклама ўрнида



Ҳотамжон НИЗОМОВ,
“Ҳамкор Транс Барака”
масулюяти
чекланган жамияти раҳбари:

— Бугунги дориламон замондан ҳар қанча миннатдор бўлсак арзийди. Мустақиллик шарофати билан бизнинг Андижон ҳам тобора янги киёфа касб этиб, унинг бағрида амалга оширилаётган қурилиш-ободончилик ишлари кўлами кенгаймоқда. Вилоятимизда қурилиш материалларига бўлган талаб-эҳтиёж йилдан-йилга ошиб бораётгани боис, “Асака” банкнинг молиявий кўмаги билан темир-бетон буюмлари ишлаб чиқара бошладик. Ажратилган имтиёзли кредит эвазига хориждан замонавий ускуналар олиб келиб ўрнатилди. Натияжада бир неча турдаги темир-бетон буюмлари тайёрлашни йўлга қўйдик. Шу ҳисобдан 6 та янги иш ўринлари яратилди. Уларга асосан касб-хунар коллежларини тугатган ёшларни қабул қилдик.

“Мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун”, деган ибратли ибора бор. Худди шунингдек, фаолиятимизни кенгайтиришда банкнинг тезкор ва сифатли хизматлари, банк ходимларининг самимий муносабати қўл келмоқда. Келажақдаги режаларимиз катта. Банк билан молиявий ҳамкорлигимиз изчил давом этади. Бу эса ўзининг қутилган самараларини беришига шубҳа йўқ.

Хурсандбек Саидов,
“Ulfatlar choyxonasi” масулюяти
чекланган жамияти раҳбари:

— Соғлом ракобат — иқтисодий тараққиёт гарови. Мамлакатимиз бозорларида махсулот сероблиги таъминланиб, аҳоли турмуш тарзи

қудан кунга яхшиланаётгани ҳам бежиз эмас. Тадбиркорлик субъектлари учун яратиб берилган имкониятлар бизни ҳам мустақил фаолият юритишга руҳлантирди. Шу мақсадда “Асака” банкнинг “Фарход” филиалида ўз ҳисоб рақамимизни очдик. Бизнес режамиз истиқболли, деб топилди ва қисқа муддатда кредит ажратиб берилди. Шу ҳисобдан қишлоғимизда аҳоли учун янги, замонавий чойхона биносини барпо этдик. Энг муҳи-

ми, янги лойиҳани амалга ошириш натижасида 4 киши муқим иш ўрнига эга бўлди. Бу борада банкнинг молиявий кўмагини алоҳида таъкидлаган бўлар эдим. Ҳозирда олинган кредитни аниқ мақсадларга йўналтириб, фаолиятимиз доирасини кенгайтираётимиз.

Ҳосилбек АБДУВАЛИЕВ,
хусусий тадбиркор:

— Шахрихон енгил саноат ва хизмат касб-хунар коллежини тугатганман. Юртимизда тадбиркорлар учун яратилган имтиёз ва имкониятлардан руҳланиб, қорвачилик билан шуғулланиш, аҳоли дастурхони тўқинчилигига муносиб ҳисса қўшишга жазм этдим. Мақсадимни оиламдагилар, айниқса, ота-онам яқинлик билан қўллаб-қувватлашди. Бизнес лойиҳам “Асака” банкнинг “Фарход” филиали мутахассислари томонидан тўла маъқулланди ва жорий йил 13-14 апрель кунлари пойтахтимизнинг «Ўзқўргазмасавдо» марказида ўтказилган банк хизматлари, ускуналари ва технологиялари «BANKEXPO-2016» миллий қўргазмасида «Таълим муассасаси битирувчисининг энг намунали бизнес лойиҳаси» номинациясида ғолиб, деб топилди. Натияжада менга имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатга эга бўлдим. Эндilikда ушбу маблағ ҳисобига зотдор қоромоллар сотиб олиш, сутни қайта ишлаш корхонасини ташкил этишни мўлжаллаб турибман. Бунинг натижасида янги иш ўринлари яратилиб, қишлоқ ёшлари ўртасида бандлик даражаси ошди, албатта.

Мусурмон РҲЗИЕВ.

Хизматлар лицензияланган

Реклама ўрнида Молиявий барқарорлик омили

Истиклол йилларида эришилган энг катта ютуқлардан бири, шубҳасиз, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очилгани, мамлакатимиз иқтисодий имкониятларини юзага чиқариш учун қўлай шарт-шароитлар яратилганидир. Иқтисодиётимизнинг барча тармоқларида салмоқли натижаларга эришилди, ишлаб чиқариш ҳажми, махсулот тури ортиб бормоқда. Бу эса аҳоли турмуш фаровонлиги юксалишига сабаб бўлмоқда. Эришилаётган шу каби ютуқларда Ташки иқтисодий фаолият “Миллийбанк” хузуридаги Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармасининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Жамғарманинг Самарқанд вилояти филиали кўмаги билан жорий йил январь-март ойларида 28,7 миллион АҚШ доллари миқдордаги экспорт шартномалари имзоланиб, 38 та тадбиркорлик субъекти томонидан 24 миллион 700 минг АҚШ доллари миқдорда экспорт амалга оширилди. 64 нафар тадбиркорга эса махсулотни ташқи бозорларга чиқариш учун дастлабки

ташқилый ёрдам кўрсатилди. Жамғарма мижозлари орасида хорижий ҳамкорлар билан бирга мамлакатимизда фаолият юритаётган кўп тармоқли фермер хўжаликларининг йил сайин ортиб бораётгани қувонарли ҳолдир.

Хорижий ишбилармонлар билан иқтисодий алоқаларни кенгайтириш мақсадида жорий йилнинг февраль ойида Фаргона вилоятида Латвия, Қозғистон, Россия ва бошқа давлатларнинг вакиллари иштирокида халқаро нуфузли анжуман ташкил этилди. Унда самарқандлик 9 нафар тадбиркор 6 миллион АҚШ долларидан ортиқ миқдордаги экспорт шартномаларини имзолашга эришдилар. Табиқийки, бу ўз навбатида ишлаб чиқарилаётган махсулотлар ҳажмининг ошириш, сифатини яхшилашда муҳим аҳамият касб этади.

Вилоятда асосан махсулотлар экспорти билан шуғулланадиган агрофирмалар фаолиятини кенгайтиришга катта эътибор қаратилмоқда. Жамғарма иштироки билан ҳозиргача 5 та агрофирмага 7,3 миллион АҚШ долларига тенг экспорт шартномалари тузишда амалий ёрдам кўрсатилди.

Улар томонидан эса 1 миллион 200 минг АҚШ доллари миқдордаги махсулот экспорт қилинди. Жумладан, “MAROQAND INTENSIVE GARDENS” агрофирмасининг таъсисчиси “Афросиёб Мева” кичик корхонасига қишлоқ хўжалик махсулотларини сотиб олиш, қайта ишлаш ва экспортга йўналтириш учун 5 млрд. сўм миқдорда кредит маблағи ажратилгани натижасида 20 та янги иш ўрни яратилиб, мева шарбатлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Айни пайтда махсулотнинг 70 фоизи экспорт қилинмапти.

Яқин орада «AGRO DRY FRUITS» МЧЖ агрофирмасига 18 млрд. 720 млн. сўм миқдорда кредит ажратиш режалаштириляпти. Ушбу маблағнинг 6 млрд. 304 млн. сўми қишлоқ хўжалик махсулотларини саралаш, калибровка, маркировка ва қайта ишлаш ускуналарини сотиб олиш учун мўлжалланган бўлса, қолган маблағ зарур технология жараёнлари учун сарфланади. Бундан ташқари, мева-сабзавотларни сақлаш, қайта ишлаш, қадоклаш ва экспортни амалга оширишга мўлжалланган логис-

тик марказ қўринишидаги комплекс ташкил қилиш, шу ҳисобдан 105 та янги иш ўрни яратиш кўзда тутилган.

Президентимизнинг 2016 йил 16 мартдаги “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси фаолиятини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорига қўра, жамғарма фаолиятини янада яхшилаш, махсулот экспорти ҳажмининг ошириш мақсадида ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш мақсадида унинг устав капиталини 5,3 млрд. сўмдан 10,0 млрд.сўмгача ва 2,0 млн. АҚШ долларигача ошириш белгиланди. Шунингдек, Корея, Хитой, Россия давлатларида жамғарманинг ваколатхоналарини очиб ва экспорт олди молиялаштириш хизматларини йўлга қўйиш ҳам қарорда қўзда тутилган. Асосий мақсад эса жамғарма томонидан мамлакатимизда етиштирилаётган ва ишлаб чиқарилаётган махсулотлар экспорти салмоқини янада қўлайлаштиришдан иборатдир.

Севара АЗИМОВА.

Хизматлар лицензияланган



Ашуралӣ ЖҲРАЕВ,
ёзувчи, публицист:

— “Ахборот асри” деган таъриф бугун бутун ер юзун қамраб олди, десак муболага бўлмайди. Чунки ахборотлар энг даҳшатли атом қуролларидан ҳам кучайиб кетди ва у инсоннинг қалби ва онига ҳукмронлик қила бошлади. Агар салбий ахборотлар таъсирида инсоннинг қалби ва онга бузиладиган бўлса, бунинг қандай оқибатларга олиб келишини ён-атрофимизда содир бўлаётган воқеа-ҳодисалардан ҳам кўриб турибмиз. Бугун, айниқса, интернет аталмиш ахборот узаткич пайдо бўлдики, у инсониятни ўргимчак тўри сингари ўраб олди. Энди инсоният ўзи яратган мўъжизанинг қулига айланиб қолди. Натижада, интернет онгимизга солаётган занжирлардан қутулиш ҳам йирик глобал муаммага айланиб улгурди. Демакки, бугун ахборотни ҳам танлаб, саралаб эшитиш, уни ўз ўрнида қўлайли билдиши даври келди.

Сир эмас, бугун телевидение жуда катта ахборот майдонини эгаллаб олди. Телеэкранлар орқали намойиш этилаётган турли сериаллар, фильмларни олайлик. Уларни телевизор қаршида бобо-буви ҳам, ота-она ҳам, бола ҳам бирдай ўтириб томоша қилапти. Узатилаётган ҳар битта ахборот уч авлодга уч хил таъсир кўрсатиши аён. Мисол учун, бир пайтлар телеэкранларимиз орқали намойиш этилган корейс киножодкорларининг “Жумонг” фильмига болаларимизнинг оммавий равишда тақлид қилаётганлиги шаҳсан тавоҳи бўлганман. Ўша пайтлар “Гулхан” журналининг бош муҳаррири эдим, Тахририятга болалардан бир ойда ўрта ҳисобда 100 та расм келган бўлса, шундан қарийб 40 тасида фильм бош қаҳрамони Жумонг тасвирланганди. Ёки бўлмаса, “Человек паук”, “Маша и медведь” каби мультфильмларга фарзандларимизнинг қанчалик даражада тақлид қилаётганлигини ҳам инкор эта олмайдим. Бугун болаларимиз ҳали ўзи тушунмаган ҳолда фильм қаҳрамонларига айлангиси, уларга ўхшаб кийингиси келаяпти. Ҳатто, фарзандларини Машага ўхшатиб кийинтираётган, сочларини Машаникидек сарикқа бўяётган оналаримиз ҳам учраяпти. Қўраясизми, мультфильмлар таркатаётган тарғиботнинг таъсири қай даражада? Аслида, мультфильмлар ҳам ахборотнинг бир кўриниши, уларнинг тағиди ҳам маълум бир тарғибот ётибди.

Мана, биз чет эл эстрада сини кўрамиз. Тўғри, бир томондан бу санъат, иккинчи томондан эса унинг тағиди ҳам тарғибот, хабар яширин. Кийими, мусиқиси ёки хатти-ҳаракати орқали нималарни тарғиб қилаётган, ёшларнинг онгига қай даражада таъсир ўтказаятир, менимча, ана шуларни ҳам синчковлик билан инобатга олиш даври келди.

Албатта, чет эл фильмларини умуман намойиш этмаслик керак, деган фикрдан йироқман. Алоҳида эътироф этишга арзиғулик бўлган Япония киножодкорларининг “Ошин” фильмининг, хинд эпоси бўлган “Махобҳорат”ни халқимиз мароқ билан томоша қилди. Бу каби фильмлар руҳиятимизга яқинлиги, юксак маънавий савияси, чуқур инсоний фалсафаси, айниқса, жуда катта тарбиявий аҳамиятга эга эканлиги билан ажралиб туради. Чунки, инсоний фалсафа бор жойга ҳамма интилади, ундан баҳраманд бўлишга ҳаракат қилади. Айтмоқчиманки, ахборот узатишда ҳам, уни қабул қилишда ҳам метёр керак.

Яна бир оғриқли муамма — китобхонлик масаласи. У нафақат бизда, балки дунёнинг кўпгина ривожланган мамлакатларида ҳам ўта долзарблик касб этмоқда. Интернетнинг турмуш тарзимизга жадаллик билан кириб келиши, истаимизми-йўқми, китоб ўқиш жараёнига ўз таъсирини ўтказмай қолмади.

Лекин бу, одамлар китоб ўқишдан тўхтадилар, китоб ўқимай қўйдилар дегани эмас. Ҳозир ҳам одамлар яхши китобларни топиб ўқияпти. Хали ҳам орамизда китобни севадиган, китобни қадрлайдиган, китобни ўзига ошно тутадиганлар кўп. Биласизми, ўқувчини нима бездирапти? Олди-қочди, саёз детективлар, бир марта ўқишга зўрга ярайдиган китобларнинг кўпайиб кетаятирлиги ҳам ўқувчини китобхонликдан бир оз қайтараяпти назаримда.

Аммо дунёда шундай китоблар борки, инсоният бу китобларсиз яшай олмайдди. Дунёда шундай асарлар борки, бу инсониятнинг маънавий қуёши бўлиб абадий порлаб туради. Яқинда набирам билан “Чорсу” бозори ёнидаги китоб дўконига боргандик. Ундан қайси китобни олиб берай, деб сўраганимда у “Ўтган кунлар”ни танлагани

ни мени жуда қувонтирди. Дўконда ушбу китобдан бир дона қолган экан. Сотувчига саволмуз юзланганимда у айтдики, ана шу асар жуда тез сотилаётган экан...

Айтайлик, инсон истеъмолчилик билан ҳар кун шуғулланади. Ваҳоланки, бу унинг кундалик ҳуқуқий фаолияти. Лекин табиатимизда эринчоклик, танбаллик, ҳақ-ҳуқуқларимиз билан қизикмаслик каби иллатлар борки, бу кун келиб ўз ҳаётимизга салбий таъсир кўрсатиши мумкинлиги ҳақида кўп ҳам ўйлаб ўтирмаймиз. Бизда супермаркет, гипермаркет, мегапаллетта ўхшаган дўконлар кўп. Ташвишланарлиси шундаки, аксарият одамлар ўзлари харид қилаётган маҳсулотларнинг ёрлиғи, қачон, ким томонидан ишлаб чиқилганлиги, яроқлилик муддати билан қизикмайди. Шундоқ олади, пулини тўлаб чиқиб кетаверишади. Қизиғи, борди-ю, у эртага ана шу маҳсулотлардан захарлини қолғудек бўлса, ўз ҳуқуқларини химоя қилиш ўрнига, дорихонадан дори сотиб олади. Ҳатто дорилар билан боғлиқ ҳодисаларда ҳам шу сингари ҳолатни кузатиш мумкин. Наридан, дорини ахлат қутисига ташлаб юборади-қўяди, тамом-васалом. Ваҳоланки, бизда истеъмолчилар ҳуқуқларини химоя қиладиган алоҳида ташкилотлар бор. Агар биз ўз ҳақ-ҳуқуқларимизни билмоқчи бўлсак, йўлда юришдан тортиб, то яшаш қоидаларига, барча-барчаси қонунларимизда белгилаб қўйилган. Масалан, Оила кодекси, Меҳнат кодекси сини олинг. Баъзан инсонлар қонунни билмаган ҳолда, уни бузишади, лекин билмаган ҳолда ўзининг ҳақ-ҳуқуқини талаб қилган инсонни ҳеч учратганимиз?

Бугунги кунда инсон манфаатларини ўзида мужассам этган қанчадан-қанча қонунлар яратилди, улар чиройли китоблар бўлиб чиқди. Ҳўш, қонунлар китоб жавонларида савлат тўқиб туриши учун яратилганми? Менинг назаримда, катта-катта корхоналарда усқуналар, двигателлар қандай чиройли маҳсулотлар ишлаб чиқараётган бўлса, худди шундай, қонунлар ҳам жамиятнинг улкан двигателларидир. Ва инсонлар қонунларни қанчалик даражада яхши билса ва ҳурмат қилса, у шунчалик даражада бахтли яшайди.

“Шўртангазкимё” мажмуаси жамоаси

▼Реклама

9 МАЙ

умумхалқ байрами – Хотира ва қадрлаш куни

муносабати билан
барча
юртдошларимизга
ўзининг самимий
тилакларини изҳор
этади. Ватан
равнақи,
халқ фаровонлиги
йўлидаги эзгу
интилишларингиз
бароридан
келаверсин.
Хотира саодати
ҳеч қайсимизни
тарк этмасин,
бир-биримизга
меҳр-оқибатли
бўлайлик, азизлар!

ТАДБИРКОРГА МАДАДКОРМИЗ!

▼Реклама

“Ўзстандарт” агентлигининг “Бухоро синов ва сертификатлаштириш маркази” Давлат корхонаси барча юртдошларимизга 9 май умумхалқ байрами — Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан меҳр-оқибат, эътибор билан тилайди!

Марказ мамлакатимизда тадбиркорлар учун яратилаётган қулай ишбилармонлик муҳити, уларнинг эркин фаолият юритишлари борасида Президентимиз ва ҳукуматимиз томонидан қабул қилинаётган фармон ҳамда қарорлар ижросини таъминлаш мақсадида юртимиздаги тадбиркорлик субъектлари, маҳаллий ҳамда қўшма корхоналар, хорижий компанияларнинг раҳобатбардош, дунё стандарти талаблари даражасида маҳсулотлар тайёрлаш, уларнинг экспорти ҳажмини кўпайтириш, ишлаб чиқарилаётган ва импорт маҳсулотларга, шунингдек, кўрсатилаётган туристик ҳамда меҳмонхона хизматларида мувофиқлик сертификатли олишнингизда марказимиз мутахассислари сизларга доимо қўмақ беради.

Халқаро ISO 9001 – “Сифатни бошқариш тизими”, ISO 14000 “Атроф-муҳитни муҳофаза қилишни бошқариш тизими”, ISO 22000 “Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини бошқариш тизими”, ISO 50001 “Энергия тежамкорлигини бошқариш тизими”, OHSAS 18000 “Соғлиқни сақлаш ва меҳнат хавфсизлигини бошқариш тизими”ни корхонангизда жорий этишингизда ҳамда корхонангиз, хонадонингиздаги ўлчов воситаларини давлат қиёбловидан ўтказишингизда марказимизнинг малакали мутахассислари, эксперт-аудиторлари сизга яқин маслаҳатланиш ва ёрдамчи бўлади.

Мухтарам тадбиркорлар, азиз истеъмолчилар!

Сиз “Бухоро синов ва сертификатлаштириш маркази” Давлат корхонасининг +99865 225-14-77 рақамли “Ишонч телефони” ёки buxssm.uz веб-сайти орқали мурожаат қилиб, соҳага оид барча саволларга жавоб олишингиз мумкин. Унутманг, сизларнинг мурожаатларингиз мутахассисларимиз эътиборидан қолмайди. Чунки биз доимо сизнинг хизматингиздамыз!

“Бухоро синов ва сертификатлаштириш маркази” Давлат корхонаси

Хизматлар лицензияланган

e-mail: buxssm@mail.ru ва buxssm@exat.uz

Манзил: Бухоро шаҳри, С. Юрениев кўчаси, 1/2-уй.

Телефонларимиз: +998 65 225-14-77,

факс: 0371 150-14-77.

Ҳурматли тадбиркорлар!

▼Реклама

Ўз фаолиятини мустақиллигининг дастлабки йилларидан бошлаган «Олмалик синов ва сертификатлаштириш маркази» Давлат корхонаси ўз таркибига бугунги кунда маҳсулотларни сертификатлаштириш идораси, Давлат метрологик назорати бўлими, аккредитланган синов мажмуаси ва сифат тизимларини жорий этиш бўлиmlарини бирлаштирган. Марказда:

Маҳсулот сифати мувофиқлигини баҳолаш соҳасида:

- аккредитация доирасига асосан маҳсулотларни сертификатлаштириш ишларини ташкил этиш ва ўтказиш;
- Ўзбекистоннинг хорижий давлатлар билан соҳага оид имзоланган битимларига асосан хорижий давлатлар мувофиқлик сертификатларини таъин олиш;
- ишлаб чиқариладиган маҳсулотларни сертификатлаштиришни маълум қилиш тартибни аниқлаш;
- сертификатлаштирилган маҳсулот устидан инспекция назоратини ўтказиш;
- маҳсулотни хавфсизлик талабларига мувофиқлигини декларациялаш;

сертификатлаштириш ва даврий синовлар ўтказиш.

Метрология соҳасида:

- оғирлик, иссиқлик-техника, геометрик, вақт, босим, ҳажм ва сарф, ҳарорат, электр ва газ ўлчов воситаларини қиёслаш ва калибшлаш;
- ўлчов воситалари ва синов усқуналарини метрологик аттестациядан ўтказиш;
- консултация хизматлар кўрсатиш.

Сифатни бошқариш тизимлари мувофиқлигини таъинлаш соҳасида:

- корхоналарда ISO 9001:2015, ISO 14001:2004, ISO 22001:2005, OHSAS 18001:2007, ISO 50001:2012 Халқаро стандарт талабларига мувофиқ сифатни бошқариш тизимларини ишлаб чиқиш, тайёрлаш, жорий этиш ҳамда ходимларга ўқув курслари ташкил этиш ва тақомиллаштириш масалаларида ёрдам кўрсатиш.

Қушимча турдаги хизматлар:

- агентлик хизматларини кўрсатиш;
- стандартлаштириш, метрология,

сертификатлаштириш ва сифатни бошқариш тизимларини жорий этиш масалаларида семинарлар ўтказиш;

- меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш, лабораторияларни аттестацияга тайёрлашга амалий ёрдам кўрсатиш.

Ишонч телефони:

- кўп йиллик таъриба ҳамда юқори малакали мутахассислар;

- қонуни ва қондаларга мувофиқ иш юритган ҳолда хизматлар турларини кенгайтириш;

- ташкилотлар фаолиятдан келиб чиқиб, уларга арзон ва тез фурсатларда хизмат кўрсатиш;

- ҳамкорлик учун қулай шартлар.

Бизнинг манзилимиз:

110100, Тошкент вилояти, Олмалик шаҳри, Тинчлик кўчаси 2-уй.

Телефонлар: (0-370) 61-3-82-62; 61-3-85-81.

Факс: (0-370) 61-3-82-62

Ишонч телефони: (0-370) 61-3-69-65

Веб-манзил: www.olmaliqssm.uz

e-mail: olmaliqssm@rasm.uz, olmaliqssm@exat.uz, olmaliqcenter@mail.ru

Хизматлар лицензияланган

▼Реклама

Бугунги дориларимиз, фаровон ҳаётимизнинг мустаҳкам пойдевори озод ва обод Ватанимизнинг бой ўтмиши билан бевосита боғлиқ эканлигини барчамиз яхши биламиз. Шундай экан, Истиқлол даврида кечаётган ҳар бир лаҳза, ҳар бир кун қадрли ва азиздир. Мухтарам Президентимиз ташаббуси билан 9 майнинг Хотира ва қадрлаш куни — умумхалқ байрами сифатида нишонланиши ҳам халқимизнинг бой маънавий дунёсини янада бойитишга, табарруқ инсон манфаатларини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Муборақ газни қайта ишлаш заводи жамоаси

— ушбу муборақ сана муносабати билан ватандошларимизга самимий ҳурмат-эътиромини билдиради. Зеро, хотира туйғуси, кадр-қиммат мезони инсонни улугликка қорлайверади.

ASR

ЎТМОЙИ-СИЙОСИ ГАЗЕТА

НАРТАЛИК НАШР

МУАССИС: ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР НАРАКАТИ

О'ЗБЕКИСТОН ШИВАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

БОШ МУҲАРРИР: Норқобил ЖАЛИЛОВ.

ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент, Нукус кўчаси, 73А-уй.

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибиёт — 281-40-17 (тел./факс). Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 255-64-80. Ахборот ва таҳлил, хатлар ва шикоятлар бўлими — 255-64-80. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти бўлими — 215-60-45. Ешлар ва аёллар масалалари бўлими — 254-03-79. Реклама ва шартномалар бўлими — 215-60-45, 255-68-50, қабулхона: 215-63-80 (тел./факс).

ЭЛЕКТРОН ПОЧТА: xxi_asr@mail.uz

“XXI ASR” ижтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2011 йил 14 июнда 0009 рақами билан қайта рўйхатдан ўтган.

“Ўзбекистон” НМИУ бошмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

Газета офис устулида. А-2 форматда босилди. Ҳажми — 4 босма табоқ.

Буюртма рақами: 5 5858 Тираж: 12547

Баҳоси келишилган нархда. Тошириди — 20.00

Тахририятга келган қўлзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

© “XXI ASR” дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт. Муаллифлар фикри тахририят нуктаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.

Газета тахририятда териди ҳамда дизайнер

Маъруфий Раҳмонов томонидан саҳифаланди.

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406

ISSN 2183-477X

7 7 2 2 8 1 4 7 0 0 1

Набатчиқлар

Б.ИСРОИЛОВ, С.ЗОИРОВ.